КУТУБХОНАСИ


ЎЗГАЧА ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ — 2-бет

ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ ИЗЛАНИШЛАР — 3-бет

ВАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ — 4-5-бетлар

СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ ҚЎШ МУВАФФАҚИЯТИ — 8-бет





ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 71 (10.124) / 2004 ЙИЛ 14 АПРЕЛЬ




«Она-Нафиса» хусусий фирмасида вакуум-сублимация йўли билан қуритилиб, аҳоли дастурхонини безаётган мева ва сабзавотларга хориждан ҳам буюртмалар тушмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг уста қадоқловчиси Барно Шамсиева қадоқланаётган мевалар билан.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2004 йил 15-16 апрел кунлари амалий ташриф билан Москвада бўлади.***

Икки томонлама учрашувлар чоғида Ўзбекистон-Россия муносабатларининг бугунги аҳволи ва ривожланиш истиқболлари, томонларни қизиқтирувчи долзарб халқаро масалалар муҳокама этилиши режалаштирилган.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий университетидаги ижтимоий-сиёсий фанлар факультети талабаларининг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон-либерал демократик партиясининг Ёшлар қаноти вакиллари билан учрашуви уюштирилди.

● **КЕЧА** Яккасарой туманидаги «Конституция» маҳалласида маҳалла ёшлари ва фаоллари иштирокида уюштирилган тадбир Меҳр ва мурувват йилига бағишланди.

● **БУГУН** Бектемир туманидаги «Астробод» гузарида ўтказилган ҳамжиҳатликка бағишланган тадбир «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлимлари ташаббуси билан уюштирилди.

● **БУГУН** «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Украинанинг «Батквшина» маданият маркази ҳамкорликларида 31-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун Меҳр ва мурувват йилига бағишланган хайрия тадбири бўлиб ўтди.

● **ШАҲРИМИЗДА** тадбиркорлар ва ишбилармонлар иштирокида ташкил этилган халқаро семинар «Замонавий халқаро бозорда самарали рақобат воситалари» деб номланди. БУГУН ушбу анжуман ўз ишини якунлади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ

**Курбонов Рустам Жавдатович**

Бектемир тумани ҳокими этиб тайинланди.

# ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 13 апрел куни Оқсаройда Венгрия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ференц Контра ишонч ёрлиғи топширди.***

Мамлакатимиз раҳбари дипломатни янги лавозимга тайинланганн муносабати билан қутлар экан, Ўзбекистон-Венгрия муносабатлари изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Ушбу мамлакатнинг яқинда НАТОга қабул қилингани, май ойида Европа Иттифоқи сафидан жой олиши икки томонлама муносабатлар ривожида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил октябрдаги Венгрияга расмий ташрифи чоғида ушбу мамлакат раҳбарияти ва етакчи ишбилармонлари билан самарали мулоқотлар ўтказилган, кўплаб икки томонлама фойдали келишувларга эришилган эди. Айни пайтда Ўзбекистон ва Венгрия барча соҳаларда ҳамкорликни имкониятлар даражасига кўтариш йўлидан бормоқда.

Ф.Контра самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, ўз фаолияти давомида Ўзбекистон-Венгрия савдо-иқтисодий муносабатларига алоҳида эътибор қаратиш ниятида эканлигини таъкидлади.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов Канаданинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Кристофер Уэстделдан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Ўзбекистон ва Канаданинг халқаро миқёсдаги кўпгина муаммоларга қарашлари ўхшашлиги халқаро ташкилотлар доирасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга асос бўлмоқда. Айниқса, халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлашдаги, оммавий қирғин қуролларининг тарқатилишига ва наркобизнесга қарши курашдаги ҳамкорлик долзарб масалалардандир.

Ўзбекистон ҳукумати Канада билан сиёсий, савдо-иқтисодий ва ижтимоий алоқалар миллий манфаатларимизга мос эканлиги ва бунинг учун улкан салоҳият мавжудлигини ҳисобга олиб, 1999 йилда мазкур мамлакат билан ҳамкорликни ривожлантириш дастурини қабул қилган.

Калгарида Ўзбекистон нефт-газ саноатининг тақдимотини ўтказиш мўлжалланмоқда. Икки мамлакат олтин қазиб чиқариш, самолётсозлик, машинасозлик ва кўплаб бошқа соҳаларда ҳам самарали ҳамкорлик қилиши мумкин.

К.Уэстдел Ўзбекистон ва Канада ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида кўп имкониятларга эга эканлигини таъкидлаб, бунинг учун олий даражада икки томонлама учрашув ўтказиш, халқаро ташкилотларнинг анжуманлари доирасида мулоқотларни фаоллаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблашини таъкидлади.

* * *

Президент Ислом Каримовга Руминиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Константин Алекса ҳам ишонч ёрлиғи топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан яқинда НАТОга қабул қилинган Руминия ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун икки томонда ҳам имкониятлар кўплигини таъкидлади.

Мамлакатларимиз сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзаро савдо алоқаларида барча ҳуқуқий асослар яратилган. Лекин кўрсаткичлар имконият даражасида эмас. Ўзбекистон-Руминия ҳукуматлараро иқтисодий кенгаши ўзаро савдони ривожлантириш ва бошқа иқтисодий масалалар билан шуғулланмоқда.

Руминия элчиси қабул учун миннатдорлик билдириб, икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

* * *

Мамлакатимиз раҳбари Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Алеш Фойтикдан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон ва Чехия бир-бири учун ишончли шерик эканлигини таъкидлади. Ўтган ойда НАТО сафидан жой олган Чехия яқинда Европа Иттифоқига ҳам қўшилиши ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар очади.

Савдо-иқтисодий соҳада икки мамлакат ўртасида имкон қадар кўпроқ қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. Айни вақтда иқтисодиёт, саноат ва фан-техника соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро янги битим тайёрланмоқда.

Чехия элчиси ўз фаолияти давомида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга устувор масала сифатида ёндашишини таъкидлади.

**ЎзА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида ISO 9000 стандартининг қўлланишига бағишланган халқаро семинар бошланди. Семинар ишида Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва қозоғистонлик тадбиркорлар иштирок этмоқда.

● Бухоро вилоятининг Жондор туманидаги қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди. «Минор» фермер хўжалиги замирида кунгабоқардан экологик жиҳатдан энг тоза мой ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Еврочинор» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ташкил этилди.

● Жиззах шаҳридаги «Зилолатекс» очиқ турдаги акциядорлик жамияти «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси томонидан ўтказилган тендер танлови якунига кўра болалар учун спорт кийимлари ишлаб чиқариш ҳуқуқини қўлга киритди.

● Урганч вилоят ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш жамияти ташаббуси билан «Фарзандингман — жон Ватан» мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари мусаввирлик, ҳунармандлик каби йўналишларда ўз маҳоратларини кўрсатишди.

● Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат университети ҳузуридаги «Турон» ёшлар маркази ёш фермерлар учун ўқув машғулотлари ташкил этди. Асосий машғулотлар Қорақалпоғистоннинг фермерлик ҳаракати ривожланган туманларида ўтказилмоқда.

● «Жиззахпластмасса» акциядорлик жамияти вилоят пахта далаларида фойдаланилган плёнкалардан иккиламчи хом ашё тайёрлашни йўлга қўйди.

### Жаҳонда

● Ироқда хусусий Италия компаниясининг тўрт нафар ходими дом-дараксиз йўқолди. Тахминларга кўра улар қўзғолончилар томонидан ўғирлаб кетилган.

● Испания полицияси Мадрид шаҳрида поездларни портлатишга алоқадорликда гумон қилинган яна икки нафар марокашликларни ҳибсга олди.

● Испания ахборот маҳкамаларининг хабарига кўра мамлакатда фаолияти тақиқланган Бакасума партиясининг ЭТА айирмачилик ташкилоти янги ҳукумат билан музокаралар бошлашга тайёр эканлигини маълум қилди.

● Перудаги Мачу Пикчу шаҳри яқинида юз берган ер кўчиши оқибатида 6 нафар киши ҳаётдан кўз юмди.

● Канадада озиқ-овқат инспекцияси агентлиги мамлакатдаги паррандачилик фермаларидан яна иккитасида парранда гриппи тарқалганлигини маълум қилди.

*Иқтисодиёт*

## ЭКСПОРТ ҲАМ ҚИЛИНМОҚДА

***Нафақат ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш, балки дунё бозоридан ўрин эгаллаш мақсадида меҳнат қилаётган тадбиркорларимиз сафи кенгайиб бораётгани қувонарлидир.***

«Агропластимпекс» ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланаётган полипропилен қопларга бугунги кунда талаб ортиб бормоқда. Боиси, замонавий линиялар билан жиҳозланган корхона цехларида жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган, рақобатга чидамли, буюртмачи эҳтиёжини қондирадиган маҳсулот тайёрланмоқда. Корхонада бир йилда 7 миллионта полипропилен қоп тайёрлаш имконияти мавжуд.

— Корхонамизда халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун зарур бўлган мана шундай қопларнинг турли ҳажм ва нусхада чиқарилиши буюртмачилар учун қулайдир, — дейди корхона раҳбари, ёш тадбиркор Фарҳод Мамажонов. — Асосий буюртмачиларимиз хўжалик юритувчи субъектлар бўлиб, шунингдек, «Ўзкимёсаноат», «Ўздонмаҳсулот», «Ўзозиқовқатсаноат», «Марказсаноатэкспорт» ва «Кўмир» сингари йирик корхона ва ташкилотлар буюртмаларини бажарамиз. Тайёрланаётган маҳсулотларимизнинг маълум қисмини четга ҳам чиқарамиз.

Шунингдек, корхонада 2001 йилда тегирмон мажмуаси ишга туширилган бўлиб, бу ерда буғдойни қайта ишлаш асосида тайёрланаётган, давлат сертификатларига тўла жавоб берувчи ун маҳсулотлари қадоқланиб, хорижга экспорт қилинмоқда. Янги тегирмон ишга тушиши натижасида 30 нафардан зиёд киши иш билан таъминланди.

## «СПОРТЧИ ТВМ»НИНГ МАҲСУЛОТИ

***Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилиб, янги-янги спорт иншоотлари қурилмоқда ва ишга туширилмоқда.***

Албатта, уларни жиҳозлашда ва машғулотлар билан мунтазам шуғулланишда спорт жиҳозларига эҳтиёж катта. «Спортчи ТВМ» кичик корхонаси эса ўз олдига ана шундай жиҳоз ва анжомларни тайёрлаш, спортни ривожлантиришга ҳисса қўшишни мақсад қилиб жорий йилдан иш бошлади.

Фаолиятига эндигина 2 ойдан ошган ушбу кичик корхона тадбиркорлари томонидан хорижий ҳамда маҳаллий хом ашёдан футбол, қўл тўпи ва волейбол тўплари ҳамда 14 хил спорт анжомлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Тайёрланаётган маҳсулотларимиз сифат андозаларига тўла жавоб бериб, хорижникидан асло қолишмайди, — дейди корхона раҳбари Бахтиёр Тошпўлатов. — Нархи эса четдан келтириладиган ана шундай маҳсулотларга нисбатан бир неча баробарга арзон. Ҳозирда мамлакатимиздаги коллежлар, спорт мактаблари буюртмаси асосида маҳсулот тайёрлашни бошлаб юбордик. Албатта, сифатга қаратилган эътибор, қулай ва бежирим маҳсулотларимиз харидорлар сафини кенгайтиришда муҳим ўрин тутади.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

***Қадим-қадимдан халқимиз ҳаётида меҳр-мурувватнинг турли кўринишлари мавжуд бўлиб келган. Жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши қадоқ қўлли турли касб эгалари меҳнатини янада эъзозлаш, муҳтожларга, ногиронларга, етим-есирларга беғараз ёрдам кўрсатиш анъаналари йўлини кенг очиб берди, жамиятнинг мурувват маданиятини узлуксиз ривожлантиришга илҳомлантирди. Бунга Тошкент метрополитени касаба уюшмаси раиси Собир АЗИМОВ билан бўлган суҳбатдан сўнг янада ишонч ҳосил қилдик.***

*Метро*

## ҒАМХЎРЛИКДАН МАМНУН БЎЛИШАДИ

**— Собир Азимович, айтингчи, Меҳр ва мурувват йилида метрополитенчилар қандай тадбирлар режасига эга ва уни қандай бажариш кўзланган?**

— Касаба уюшмаси фаоллари соғломлаштириш, дам олиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, спортга жалб қилиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, моддий ёрдам кўрсатишда ўз тадбирларини белгилаб олган ва дастурнинг бажарилишини назорат қилиб борадилар. Шу ўринда Обод маҳалла йилида амалга оширилган мурувватли ишларни ҳам эслаб ўтиш жоиздир. Метрочиларга соғломлаштириш ва маданий дам олиш учун шароит яратиш мақсадида санаторий ва дам олиш уйларига 67 та йўлланма, 59 та оилавий йўлланмалар берилди. «Автомобилчи», «Стрельцов» ва «Трамвайчи» болаларни соғломлаштириш оромгоҳида 330 нафар фарзандларимиз ёзги таътилларини мароқли ўтказдилар. Метрополитеннинг катта жамоаси деярли ҳар йили ана шундай ғамхўрликдан фойдаланиб келмоқда. Шунингдек, ногиронлар, уруш қатнашчилари, нафақадор, кам таъминланган, кўп болали оилаларга 5 миллион 251 минг сўм, кексалиги ва ногиронлиги туфайли уйида ўтириб қолган 43 кишига 430 минг, меҳнат таътилига чиқувчиларга 3,5 миллион, нафақага чиқувчиларга 2,770 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Дарҳақиқат, меҳр-мурувват, хайру-саховат каби анъаналар халқимизга бегона эмас. Меҳр ва мурувват йилида Тошкент метрополитенида амалга ошириш юзасидан бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, ҳар бир хизмат (депо)да Меҳр ва мурувват йили ахборот-кўргазмали бурчаклари ташкил этилмоқда. Бу йил ҳам соғломлаштириш учун шароит яратиш мақсадида санаторий-курорт йўлланмалари ажратилиб, ишчи-ходимларнинг кўнгилдагидек дам олиш ва даволанишлари таъминланади. Метрочилар фарзандларининг тоғ бағридаги болалар оромгоҳларида дам олишларини мароқли ўтказиш ташкил этилади.



Метрополитен ходимларини соғломлаштириш мақсадида футбол, волейбол, теннис, шашка ва шахмат бўйича спартакиадалар ўтказишни режалаштириб қўйдик. Бундан ташқари барча байрамлар ва бошқа муҳим саналарни кўтаринки руҳда ташкил этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ногирон, уруш қатнашчилари, ёлғизлар, қариялар, кам таъминланган ва бошқа муҳтож оилаларга моддий ёрдам бериш, уларга зарур дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари улашишни ташкил қилганмиз.

Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб ҳашар ўтказиш ҳам режамизда бор. Хотира ва қадрлаш кунида нафақахўрлар ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинади.

Шунингдек, кам таъминланган оилалар рўйхати тузилиб уларга ёрдам кўрсатиш ҳам бу йилги асосий вазифамиздандир.

**— Тошкент метроси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги метрополитенлардан қайси жиҳатлари билан ажралиб туради?**

— Бизнинг метро бошқа шаҳар транспорти воситаларига қараганда, экологик тоза ер ости қурилмасидир. Фуқароларимиз бу қулай транспортнинг аниқ маромда хизмат қилишига кўникиб қолганлар. Бекатларнинг тозалиги, қишда иссиқ, ёзда салқинлиги йўловчиларга маъқул ва қулайдир.

Имкониятларимиз кўп. 2001-2003 йилларда 450 номга эга эҳтиёт қисмлар ўзлаштирилди. 2005 йилнинг охиригача яна 690 та янги номга эга эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни режалаштирмоқдамиз. Кўрилаётган бу чора-тадбирлар 2004 — Меҳр ва мурувват йилида ҳам метрополитен харажатларини камайтиришга таянч бўла олади.

Яна бир афзаллиги, метрополитенда ёш ишчи-хизматчи ва мутахассислар билан тарбиявий ишлар олиб боришга катта эътибор бермоқдамиз. Шундай катта жамоага эга Тошкент метрополитени Халқаро транспорт ташкилотлари уюшмаси ва Ҳамдўст Мустақил Давлатлар метрополитенлари уюшмаларининг аъзосидир. Шу алоқалар орқали биз дунё миқёсидаги метрополитенларни қурилиш масалаларида, янги техник ва замонавий ускуналар, мосламалар, қурилмалардан фойдаланиш, йўловчиларга юқори даражада хизмат кўрсатишда кўп ахборотга эгамиз. Ушбу ахборотларни ўз меҳнат фаолиятимизда фойдали ва унумли деб топган ҳолда метрополитенимизда такомиллаштирамиз.

**Суҳбатдош Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ**

*Бунёдкорлик*

## ТЎЛА ТАЪМИРДАН ЧИҚАРИЛДИ

***Бугунги кунда бунёдкорларимиз саъй-ҳаракатлари билан кўплаб иморатлар қайта таъмирланиб, ташқи кўриниши замонавий тус олмоқда. Шаҳримизнинг марказий кўчаларида жойлашган бинолар билан бир қаторда туманларда жойлашган давлат идораларига тегишли бир қанча бинолар ҳам қўли гул қурувчиларимиз томонидан тез фурсатларда таъмирланиб, аввалги кўринишидан мутлақо ўзгача қиёфа касб этмоқда.***

Ана шундай бинолардан бири — Бектемир туманидаги мудофаа ишлари бўлимининг чақирув участкаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бош бошқармаси ташаббуси билан қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

— Ушбу участка биноси таъмирга муҳтож эди. Айниқса, бинонинг ички хоналари таъмирталаб бўлиб, тиббий кўрик хоналарида етарлича шароит яратилмаганди, — дейди туман мудофаа ишлари бўлимининг чақирув участкаси бошлиғи, майор Савриддин Шарипов. — Бинонинг ташқи кўриниши билан бир қаторда ички таъмирлаш ишлари ҳам амалга оширилиб, муҳандислар томонидан бинонинг ички тузилишига бир қанча ўзгартиришлар киритилди.

Ҳозирда туман чақирув участкасида ўқув хонаси, ўн битта тиббий кўрик хоналари ўрин олган бўлиб, эндиликда ҳарбий хизматга чақирилган йигитлар бу ерда бемалол саломатликларини текширтиришлари мумкин.

— Ушбу таъмирлаш ишларига 4 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди, — дейди туман чақирув участкаси бўлим бошлиғи, катта лейтенант Эркин Тожиматов. — Ҳар томонлама хизматга шай чақирув участкамизда дастлаб 300дан ортиқ ёшларни сафарбарлик хизматига қабул қиламиз. Бу ерда бизга малакали шифокорлар билан бирга тажрибали ҳамширалар ҳам яқиндан ёрдам беришади.

Йигитлик бурчини ўташ учун отланган ёшларимизга яратилаётган бундай шароитлардан уларнинг ўзлари ҳам мамнун. Ўйлаймизки, улар келгусида ўз бурчларини аъло даражада бажарадилар.

**Орзугул РУСТАМОВА**

***Республика таълим марказида “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” туркумидаги фанлар бўйича муаллифлар гуруҳининг йиғилиши ўтказилди.***

## ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Йиғилиш кун тартибида “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фан туркумига кирувчи ўқув дарсликларини такомиллаштириш ҳамда бошқа тилларда олиб бориладиган умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш масалалари кўрилди.

— Мазкур фан таркибига “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол ғояси” ва “Маънавият асослари” дарсликлари киради, — деди Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов. — Қисқа вақт ичида муаллифлар, олимлар ва матбаачилар томонидан тегишли ўқув ва меъёрий ҳужжатлар, дастурлар ва дарсликлар яратилди. Ўқув қўлланмаларининг нечоғли амалиётга мос эканлиги, қолаверса, уларни соддалаштириш хусусида ўқитувчилар, ўқувчилар, мутахассислар томонидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Таклифлар ўрганилиб, тегишли қўшимчалар киритилди. Амалиётдан келиб чиққан ҳолда йилдан йилга дарсликларни такомиллаштириб бориши ҳаёт тақозосидир. Методологик комиссиянинг охирги чорак якунига бағишланган йиғилишда олдимизга яна бир қатор қўшимча топшириқлар берилди.

Йиғилиш иштирокчиларининг таъкидлашларича, билдирилаётган эътирозларнинг асосийси мавзуларни ўқувчиларнинг ёшига мос келмаётганлигидан туғилмоқда. Бундан ташқари дарсликларнинг айримлари ўта илмий тилда ёзилмоқда. Мамлакатимизда давлат тилидан ташқари рус, қозоқ, тожик, туркман, қирғиз ва қорақалпоқ тилларида ҳам таълим берилади. Ҳозирда 1-синфлар учун “Одобнома” ҳамда 5-6-синфлар “Ватан туйғуси” дарсликлари ҳамма тилларда чоп этилган. 7-8-9-синфлар учун рус тилида такомиллаштирилган варианти методологик комиссияга тақдим этилган. Муаллифлар гуруҳи зиммасига 2-3-4-синфлар учун “Одобнома” ҳамда 7-8-9-синфлар учун “Миллий истиқлол ғояси” ва “Маънавият асослари”дан яратилган дарсликларни бошқа тилларга таржима қилиниб, янги ўқув йилигача чоп этиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, йиғилишда мутахассислар томонидан ўқув қўлланмаларни соддалаштириш борасида фикр алмашилинди. Муаллифлар амалиётчи ўқитувчилар, олимлар ва матбаачилар томонидан қўйилган талаблар асосида такомиллаштирилган дарсликларни нашриётларга топширишлари ҳамда уларнинг таржимасини жадал суръатларда амалга ошириши таъкидланди.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА, “Туркистон-пресс”**

*Санъат*

## НУФУЗЛИ АТЛАСЛАР

***Ўзбек халқи ўзининг бадиий ҳунармандчилик санъати билан ҳам машҳур. Бу бой маданий мерос Ўзбекистон Бадиий академияси мутахассис олимлари томонидан атрофлича тадқиқ қилинмоқда.***

Ана шу изланишлар самараси ўлароқ «Ўзбекистон бадиий ҳунармандчилиги атласи» юзага келди. Бу нашр тарихчи ва археолог олимларининг тўплаган картографик маълумотларига бойлиги билан ҳам ажралиб туради.

Республика санъатшунослик институти олимлари яна бир қимматли атлас нашри устида иш олиб боришмоқда. Бойсуннинг қадимий ҳунармандчилиги ва бадиий фольклорига бағишланган бу атлас мамлакатимизда ўтказилаётган «Бойсун баҳори» фестивали иштирокчилари учун яхши қўлланма бўлиб хизмат қилади.

## ШОИРНИНГ НОЁБ СУРАТЛАРИ

***Улуғ шоир образи Навоий ҳаёт вақтидаёқ тасвирий санъат усталари ижодида ўз аксини топган эди. Буюк мутафаккирларнинг бундан 500 йил муқаддам яратилган тўрт дона сурати бизгача етиб келган. Ана шу асарларнинг иккитаси Туркиянинг «Гулистон» музейида сақланмоқда.***

Ўша суратларнинг бири рассом Қосим Али мўйқаламига мансуб бўлиб, унда Навоийнинг ижодий ҳолати тасвирланган эди. Иккинчи сурат машҳур рассом Маҳмуд Музаҳҳиб томонидан чизилган бўлиб унда Навоийнинг кексалик чоғи тасвирга олинган.

Камолиддин Беҳзод чизган картинада Навоий бир гуруҳ йирик шоирлар даврасида кўрсатилган.

Бу ижод намуналари Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида намойиш қилинмоқда.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***Юнусобод тумани ҳокимлигида Абдулла Қодирий таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан «А.Қодирий ва миллий маънавият муаммолари» мавзуидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

*Тадбирлар*

## АДИБ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

«Маънавият ва маърифат» маркази Юнусобод туман бўлими ва «Шаҳидлар хотираси» республика хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда туман ҳудудидаги барча ўрта мактаблар ўқувчилари, ўрта махсус ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ҳамда адабиётшунос олимлар иштирок этишди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, «Шаҳидлар хотираси» республика хайрия жамғармаси раиси Наим Каримов Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижоди, бой маънавий мероси ва ўлмас асарлари устида олиб борилаётган илмий- тадқиқот ишлари, қатағон қурбонлари бўлмиш ўзбек адабиёти намояндалари А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир ва бошқаларнинг бошига тушган фожиали кечинмалари ҳақида сўзлади.

Анжуманда сўзга чиққан профессор Собир Мирвалиев, доцент Шерали Турдиев, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Сирожиддин Аҳмедовлар адибнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» каби асарлари, А.Қодирийнинг ўз Ватани, халқига бўлган эътиқоди ва садоқати, матонати, шунингдек, адиб ижодининг қардош халқлар адабиётига таъсири хусусида тўхталиб ўтдилар.

Анжуманда Абдулла Қодирийнинг набираси Назира Одилова бобоси ҳақида онасидан эшитган хотираларини фахр билан сўзлаб берди. Иштирокчиларга «Ўткан кунлар» фильмидан лавҳалар намойиш қилинди.

Анжуман сўнгида қизғин савол-жавоблар бўлди ва янги нашрдан чиққан «Абдулла Қодирий» номли китоб иштирокчиларга тарқатилди.

**Марям АҲМЕДОВА**

*Тадбиркорга толе ёр*

## ЯНГИ МАҲСУЛОТ ЧИҚАРИЛАДИ



***Нафиса Тошпўлатовани пойтахтимизда ўтказилган барча кўргазмаю кўрик-танловларда учратиш мумкин. Ўзининг тадбиркорлик фаолияти, тайёрлаётган рақобатбардош маҳсулотларининг сифати ва фойдаси, товарларининг нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам харидоргирлиги, буюртмалар тушаётгани ҳамда келгуси режалари хусусида ҳамиша тўлқинланиб сўзлайдиган бу тадбиркор аёл ҳадемай 70 ёшни қаршилашига қарамай, унча-мунча ёшларни куч-ғайрату шижоатда, изланишда ортда қолдиради.***





У ташкил этган кичик цехда тайёрланаётган маҳсулотлар— қишда ҳам ёз неъматлари таъмини берувчи, дармондорилари юз фоиз сақланган мева ва сабзавотлар бир неча йилдирки, барчага манзур бўлмоқда. Энг муҳими эса тадбиркор аёл мева ва сабзавотларни ўзи яратган технология ва дастгоҳлар ёрдамида вакуум-сублимация йўли билан қуритади. Сўнгра идишларга қадоқланган ушбу маҳсулот харидорларга етказиб берилади.

Албатта, тадбиркорлик йўлини танлашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун аввало юксак билим, истиқболли ғоя, шу билан бирга меҳнат машаққатидан чўчимаслик керак. Ҳаракатлари ҳам сўзлаётган гаплари сингари дадил онахон ана шу нарсаларнинг барчасини ўз бўйнига олди. Яккасарой туманининг Арпапоя кўчасидан ижарага олган жойида мева ҳамда сабзавотлар етиштиришни ҳам йўлга қўйди. Бир нечта одамни иш билан таъминлади. Айниқса, мевалар ғарқ пишган ёз ва куз ойларида цехда иш қайнайди. Нафақат кичкина боғда пишган, балки бозорлардаги мевалардан ҳам унумли фойдаланилади.

— Шундай ҳоллар ҳам учрайдики, баъзида меваларимиз ғарқ пишган пайтда, истеъмолдан ортгани исроф бўлади, — дейди Нафиса Тошпўлатова. — Бизнинг усулимизда маҳсулот тайёрлаш эса биринчидан ана шундай исрофгарчиликнинг олдини олса, иккинчидан дармондорилари тўла сақланган меваларни қишда бемалол истеъмол қилиш мумкин. Шунингдек, маҳсулотларимизнинг турларини кўпайтириб, унинг харидоргирлигини ошириш мақсадида талаблар даражасида қадоқлашни ҳам йўлга қўйганмиз. Энг асосийси эса бу ишларнинг барчаси камхарж бўлиб, унга асосан қўл меҳнати ва электр энергияси сарфланади. Жорий йилда маҳсулотларимизни Россия, Қозоғистон давлатларига экспорт қилиш ниятидамиз. Чунки ушбу мамлакатлардан маҳсулотимизга харидорлар бор.

Нафиса опа ўз фаолияти даврида ҳамиша янгиликка, маҳсулот турларини янгилашга интилади. Негаки бу бозор талаби. Шу боисдан ҳам у ярмаркалардаги иштироки давомида ҳамкорлар топиб, уларнинг тажрибаларини тинмай ўрганади. Ўтган йилда у ошқовоқни сублимация асосида қуритиб, қадоқлашни йўлга қўйди. Ахир ушбу маҳсулот жуда кўп хасталикларга даво бўлиб, унинг йил бўйи мавжуд бўлиши беморларга қулайлик яратади. Шунингдек, ўтган йил охирида хусусий корхонада қўзиқорин етиштириш, уни ҳам маринадлаш, ҳам сублимация орқали қуритиш йўлга қўйилди. Ҳозирда экилган қўзиқориндан бир неча марта ҳосил олиниб, харидорлар эҳтиёжи қондирилмоқда.

Тадбиркорликни ривожлантиришга, боғбон ва фермерларга маҳсулот исрофгарчилигидан сақланишда ёрдам бериш ниятида Нафиса опа 5 йиллик югур-югурлардан сўнг ўзи яратган мева ва сабзавотларни қуритиш дастгоҳларини сотиш учун лицензияга эга бўлди. Бундай дастгоҳга эга бўлган фермер эҳтиёждан ортган мева ва сабзавотларни ана шундай дастгоҳ асосида қуритиб сақлаши мумкин.

Нафиса опани нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда, қўшни республикаларда, ҳаттоки хорижий давлатларда ҳам яхши билишади. Шу боисдан ҳам уни кўргазма ва танловларга таклиф этишади. У мамлакатимизда бўлиб ўтган 7 та халқаро кўргазмада қатнашиб, кўпчиликнинг эътиборини қозонган.

— Ўтган йили Швейцарияга халқаро ярмаркага таклиф этишган эди, мана жорий йилда эса Брюсселга халқаро бизнес клубнинг «Агро Фахрий муко фоти» йўналиши бўйича ўтказиладиган ярмаркага чақиришди, — дейди опа қўлидаги чиройли таклифномаларни кўрсатиб. — Лекин бунинг учун анчагина маблағ кераклиги боис ҳам уларда қатнашиш имконияти бўлмади. Ахир бу нафақат менинг, балки юртимиз тадбиркорларининг муваффақияти, жаҳонга танилиши учун имконият-ку.

Албатта, унинг эътирозлари ўринли. Бу борада жойлардаги товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг қўллаб-қувватлаши, ёрдами катта аҳамият касб этиши керак деб ўйлаймиз. Бу интилиб яшаётган тадбиркорга яна бир мадад, ишонч, келгуси ривожига эса замин бўлиши турган гап-ку.

— Келгуси режаларим жуда кўп, — дейди Нафиса Тошпўлатова. — Жорий йилдан укроп, петрушка, селдерей сингари кўкатларни қуритиб, қадоқлашни йўлга қўйдик. Насиб этса, ана шу зираворлардан «Нафиса-бланка» маҳсулотини тайёрлаш ниятидаман.

Тиниб-тинчимаслик, ҳамиша нимадир яратиш йўлида изланиш Нафиса опага хос ҳислат. Эл-юртга фойдаси тегадиган, рақобатбардош маҳсулотлари билан бозорларимизни таъминлаётган, «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли товарлар билан республика довруғини таратаётган Нафиса Тошпўлатовадек тадбиркорларимиз сафи кенгайиши иқтисодиётимиз ривожи, фаровонлигимиз ошишига муҳим ҳиссадир.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: тадбиркор Нафиса Тошпўлатова маҳсулотлари билан фахрланади; фирма оператори Михаил Арушанов ва ишчи Икром Истамов; қишда ёз таъмини берувчи мева ва сабзавотлар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Мардлар қўриқлайди Ватанни*

## ҲАМ СПОРТЧИ, ҲАМ ПОСБОН БЎЛИБ

***Қуролли Кучларимиз ташкил топганидан бери ҳарбийларимиз ўртасида ўтказиб келинаётган спартакиада жорий йилда умумармия спорт ўйинлари номини олди. Шунинг баробарида унинг моҳияти, унга бўлган талаб бироз ортди.***

Умумармия спорт ўйинларининг якуний босқичи 18-27 июль кунлари Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларида бўлиб ўтади. Ҳозирда қисм ва бўлинмаларда умумармия ўйинларининг илк қуйи босқичи ниҳоясига етди. Олий ҳарбий билим юртларида ҳам ички беллашувлар қизғин давом этмоқда. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидламоқ жоиз. Мазкур ўйинлар аввало ҳарбийларимиз, Қуролли Кучларимиз хизматчилари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган. Қолаверса, ҳарбийлар орасидан республикамиз, жаҳон спорти ривожига улуш қўшадиган маҳоратли мутахассисларни тайёрлаш устувор бир вазифадир. Балки баъзи ота-оналар ҳарбийларнинг спорт ҳаётидан тўла хабардор эмасдир.



Эрталабки бадантарбия-ю, онда-сонда футбол, волейбол мусобақалари ўтказилиб турилар, деб ўйлашар. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, қисм ва бўлинмаларда замонавий талабларга жавоб берадиган спорт иншоотлари, турли жиҳозлар, спорт шаҳарчалари бор. Уларни санайверсак, сизни зериктириб қўйишимиз мумкин. Энг муҳими, ана шундай қулайликлардан фарзандларингиз — посбон ўғлонларингиз беминнат фойдаланиб, чиниқишмоқда. Ахир, жанговар шайликни таъминловчи муҳим мезонлардан бири жисмоний тайёргарлик-да. Бугунги мақсадимиз айни пайтда авжига чиққан умумармия ўйинларининг иккинчи босқичини Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти мисолида таҳлил қилиш.

### ОФИЦЕРЛАР— КУРСАНТЛАРГА НАМУНА

***Билим юртининг жисмоний тарбия кафедраси бошлиғи подполковник Руслан Багиров саъй-ҳаракати билан спортнинг умумармия ўйинларида кўрсатиб ўтилган бир неча тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.***

Гапни офицерлар учкурашидан бошлай қолайлик. Маълумки, бунда тўппончадан нишонга отиш, 100 метрга сузиш, ёшга хос тоифага қараб 1, 2, 3 километр масофага югуриш амалга оширилади. Ёш бўйича биринчи гуруҳлар, яъни 30 ёшгача бўлган офицерлар орасида гуруҳ командири лейтенант Қаҳҳор Умировга тенг келадигани топилмади. 35 ёшгача бўлган офицерлар орасида улоқ жисмоний тарбия кафедраси ўқитувчиси капитан Жаҳонгир Шокировда кетди.

Маълумки, умумармия ўйинлари спортнинг ҳарбий-амалий ва олимпиада турлари бўйича ўтказилади. Таъкидлаётганимиз боиси, спортнинг ҳарбий-амалий турлари она юрт посбонларининг бевосита жанговар шайлигига ижобий таъсир этади. Масалан, штатдаги қуролдан нишонга отиш мусобақаларини олайлик. Бу ҳарбийларни ўт очиш тайёргарлиги бўйича ҳам ўзига хос синовдан ўтказади. Ўқ отиш спорти бўйича икки нафар армиячи спортчимизнинг Афинага — олимпиада ўйинларига йўлланма олиши ҳам бежиз эмас. Йилдан йилга Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган мусобақалар жаҳон майдонида юртимиз шаънини ҳимоя қиладиган, довруғини ёядиган спортчиларни кашф этишда муҳим омил бўлаяпти. Мусобақага қайтадиган бўлсак, билим юртида штатдаги қуролдан нишонга отиш бўйича офицерлар орасида подполковник Руслан Синча, майор Маҳмуд Эшов, капитан Умид Зиёддиновга тенг келадиганлар топилмади. Биринчи ўринларни эгаллаган бу учлик финал босқичида ҳам билим юрти шаънини муносиб ҳимоя қилишига ишонамиз.



### ЙИГИТАЛИ ПОЛВОН ВА ШОГИРДЛАРИ

***Миллий курашга билим юртидаги эътибор ўзига хос. Тажрибали, ёш мураббий шартнома бўйича хизмат сержанти, спорт устаси Йигитали Тўлаев хусусида шу ўринда тўхталмасдан бўлмайди.***

Йигитали Қашқадарёнинг Қамаши туманидаги Гулистон қишлоғидан. Муддатли ҳарбий хизматгача туманда спортга ихтисослашган 67-лицейни тугатиб, шу даргоҳда миллий кураш бўйича мураббийлик қилди. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилишидан бир йилча олдин, аниқроғи, 1998 йилда спорт устаси деган номга сазовор бўлди. Аскарлик даврида ҳам, спорт билан шуғулланиб мусобақаларда мунтазам қатнашиб юрди. Бироқ хизматни шартнома бўйича давом эттирганда кўплаб ютуқларга эришди. Билим юртига келган 2002 йилда мазкур ҳарбий ўқув маскани жамоаси миллий кураш бўйича умумармия ўйинлари ғолиби бўлди. Бунда Йигиталининг ҳам хизматлари катта, албатта. Ўтган йили эса Самарқандда бўлиб ўтган якуний босқичда миллий кураш бўйича билим юрти умумжамоа ҳисобида шарафли иккинчи ўринни эгаллади. Яна бир жиҳатга эътибор қаратинг. Шартнома бўйича хизмат сержанти ҳам мураббий, ҳам иштирокчи сифатида умумармия ўйинларида қатнашиб келаяпти. Жорий йилги, яъни айни пайтдаги кўрсаткичлари ёмон эмас. Йигитали бошчилигида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг полвонлари сараланиб бўлди. Унинг ўзи 66 килограмм вазн тоифасида ғолиб бўлиб, якуний босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Қолганини ўзидан эшитиб қўя қолайлик:

— Билим юртимизда миллий кураш билан шуғулланишга шароитлар зўр. Қизиқувчилар сони ҳам кўп. Курсантларимиз орасида бир талай иқтидорли полвонлар бор. Уларнинг кўпчилиги армия ҳаётига қадар даврларда кураш тушиб, рақибларини курагини ерга теккизганлардан. Яқинда билим юрти курсантлари орасида бўлиб ўтган мусобақада 60 килограмм вазн тоифасида 4-курс курсанти, сержант Яҳё Жабборов биринчи ўринни қўлга киритди. Таъкидлаш жоизки, у 2003 йилдаги умумармия ўйинлари якуний босқичида чемпион бўлиб, спорт усталигига номзод талабларини бажарган. Демоқчиманки, бу йил ҳам тайёргарлиги юксак даражада. 73 килограмм вазн тоифасида эса курсант, кичик сержант, спорт усталигига номзод Зафар Неъматов билим юртимиз чемпиони бўлди. 2003 йилги якуний босқичда у иккинчи ўринни қўлга киритди.

Мана, шартнома бўйича хизмат сержанти мисолида ҳаёт мактаби бўлган армиянинг йигитларимизни жисмоний жиҳатдан янада тоблашига, спорт соҳасида ютуқларга элтишига амин бўлдик.

### ЁШ ЛЕЙТЕНАНТ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

***Қўшинларда ўтказилиб келинаётган ҳарбий-спорт комплексига кирувчи кўпкураш анъанавий тус олаётганининг сабаби бор. Негаки, ҳарбийларимиз кўпкурашнинг машқлари билан тез-тез шуғулланиб туришади.***

Турникда машқлар бажариш, 100 метрга югуриш, тўсиқлар оша чопиш, 1 километрлик ва 5 километрлик кросс ҳарбий спорт комплексига кирувчи кўпкурашни ташкил этишини биламиз. Бу машқларни ҳатто жисмоний тайёргарликдан синовлар қабул қилинганида ҳам одатда бажариш талаб этилади. Қолаверса, кундалик жанговар фаолият давомида кўпкураш билан шуғулланиб туришга ҳамма жойда имкон етарли. Шу боисдан ҳам пойтахтдаги олий ҳарбий билим юртида бу борада беллашув ўта қизғин тус олди. Ёш бўйича биринчи гуруҳда лейтенант Туйғун Тожиев, иккинчи гуруҳда катта лейтенант Игорь Бобомуродов, учинчи гуруҳда эса майор Насрулло Икромовлар ғолиб деб топилишди. Шу ўринда лейтенант Туйғун Тожиев хусусида бироз тўхталиб ўтсак. 2002 йилда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тугаллаб, қадрдон ўқув масканида офицер сифатида хизматини давом эттирди. Шуни таъкидлашни истардимки, йигит курсантлик пайтидаёқ, аниқроғи 2001 йилда умумармия ўйинларининг якуний босқичида ёши бўйича гуруҳда чемпион ва спорт усталигига номзод бўлди. 2002 йилда Бельгияда ўтказилган ҳарбийлар ўртасида кўпкураш бўйича Европа чемпионатида ва Голландияда жаҳон чемпионатида терма жамоамиз сафида иштирок этган Туйғун қониқарли натижалар билан қайтди. 2003 йилда эса Испаниянинг Толедо шаҳрида спортнинг ҳарбий-амалий тури бўйича ўтказилган ҳарбийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ёш лейтенант терма жамоамиз сафида юртимиз шарафини ҳимоя қилди.

— Офицер доимо жисмонан чиниққан, етук бўлмоғи керак. Мен ана шу тамойилга доимо амал қиламан. Олдимга халқаро мусобақалардан, ҳарбийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларидан медаллар билан қайтишдек мақсад қўйганман, — дейди у.



### БИЛАКЛАРИ КУЧГА ТЎЛГАНЛАР

***Тош кўтариш баҳсида 60 килограмм вазн тоифасида баҳслашган спорт усталигига номзод Ҳусан Ҳайдаров ғолиб бўлди. Мушаклари тобланган, билаклари кучга тўлган бу курсант суҳбат давомида қисқача шундай деди:***

— Болаликдан атлетик гимнастика билан шуғулланиб келаман. Билим юртига келиб эса мураббийлар раҳбарлигида бу борада жиддий тайёрландим. Шароитлар жуда яхши. Тош, гантел кўтариш, эспандер тортиш машқларини режада белгиланганидек бажариб келаяпман. Оғир атлетиканинг шу тури бўйича спорт усталигига номзодликни ҳарбий билим юртига ўқишга киргач, олдим. Демоқчиманки, армия менинг спортга бўлган ҳавасимни янада ошириб бормоқда.

Шунингдек, тош кўтариш баҳсида 80 килограмм вазн тоифасида спорт усталигига номзод курсант Ўткир Музаффаров билим юрти чемпиони бўлди. 90 килограмм вазн тоифасида эса спорт усталигига номзод курсант Ойбек Имомовнинг олдига тушадигани, 100 килограмм ва ундан юқори вазн тоифасида эса спорт устаси, катта лейтенант Равшан Абдиевга тенг келадигани топилмади.

Пировардида юнон-рум кураши бўйича спорт устаси, билим юрти жисмоний тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси тошкентлик капитан Жаҳонгир Шокиров ҳақида бироз ҳикоя қилишни лозим топдик. Жаҳонгир армиягача спорт устаси бўлган. Бунга сабаб, спорт ўқитувчиси, энг яқин устози бўлган дадаси — Абдужамол акадир. 1997 йилда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртини тугаллаб, офицер сифатида Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилди. Муҳими шундаки, билим юртидаги ўқиши давомида, яъни 1994-1997 йилларда учкураш бўйича якуний босқич ғолиби бўлиб келган. 2002 йилнинг мартидан эътиборан Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида қўл жанги ва офицерлар учкураши бўйича мураббийлик қилаяпти. 2 ёшли ўғли Ҳожиакбар ҳам ҳозирданоқ курашга мойиллигини сездирмоқда.

— Офицерлар учкураши бўйича умумармия ўйинларидаги натижаларимиз ёмон эмас. Айни пайтда мазкур ўйинларнинг жорий йилги якуний босқичига жиддий ҳозирлик кўраяпмиз. Имкониятларимиз ёмон эмас, — дейди жумладан капитан.

Мақола давомида гувоҳи бўлганингиздек, умумармия ўйинлари — ҳарбийларимизнинг ўзига хос спорт байрамининг қуйи босқичлари юксак савияда ўтказилмоқда. Бу эса ҳарбийларимизнинг янада тобланишида, янги-янги спортчиларни кашф этишда жуда муҳим.

**Капитан Алижон САФАРОВ**
**Александр Мручак олган суратлар.**

---

***Ёш авлодни она Ватанга ҳурмат ва садоқат руҳида, мустақиллик ғоялари ва миллий мафкура асосида тарбиялаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва жамоат ишларидаги фаолликларини ошириш йўлида фаолият олиб бораётган қатор жамоат ташкилотлари орасида Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳам ўзига хос ўрни бор.***

## ВАТАНПАРВАР ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, туман ҳамда шаҳарларнинг маъмурий-ҳудудий чегаралари доирасида тузилган Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи ягона ташкилот ҳисобланади. У мустақил оммавий ҳимоя, спорт-техник ва ватанпарварлик жамоат ташкилотидир. Унинг бугунги кунда Тошкент шаҳар Кенгаши ва ўн битта туманларда қуйи босқичлари фаолият кўрсатмоқда. Бизнинг бугунги суҳбатдошимиз Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидаги Ҳамза тумани бўлими раҳбари Ғайрат Рашидовдир. Айтиш мумкинки, учрашувимиз, дилдан суҳбатимиз самимий кечди, фикрлар алмашилди, эл манфаати йўлида амалга оширилаётган фаолиятнинг оғир-енгил томонларига бир бор кўз ташланди.

— Ташкилотнинг асосий мақсади нималардан иборат, деб савол берганимизда Раҳим ака куйиб-ёниб дилидагиларини тўкиб солди.

— Айтингчи, нега одамлар бир-бирларига ёмонлик тилайдилар, жон фидолик билан бошланган ишларга халақит берадилар. Мустақил диёримизда жуда катта ўзгаришлар бўлмоқда, тадбиркорликка кенг йўл очилган. Бу ҳавойи гаплар эмас, бор ҳақиқат. Дангасанинг, ишнинг кўзини билмайдиган инсонларнинг ови юрмай юртим. Замона ғайратли, элим, юртим дейдиган уддабурро, ишчан, тадбиркор одамларга кулиб боқди.

Мана биргина бизнинг ташкилотимизни олинг. Олдимизга қўйилган асосий мақсад битта: юртимизда униб-ўсиб келаётган ёшларни ватанпарвар, меҳнатсевар ва она-юртини муносиб ҳимоя қилишга қодир қилиб тарбиялашдан иборатдир. «Ватанпарвар» техник мутахассислар ҳамда оммавий касбдаги ходимларни тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, янги иш жойларини ташкил қилиш ва аҳолини иш билан таъминлаш каби вазифаларни бажаришда давлат ташкилотларига кўмаклашишни ҳам ўз зиммасига олган. Биргина ташкилотимиздаги ҳайдовчилар тайёрланадиган ўқув курсини олсак. Кундан-кунга ривожланиб, тараққий этиб бораётган юртимизда автомобиллар оқими ҳам тобора ортиб, машина бошқараётган ҳайдовчидан жуда сезгир, ҳушёр, йўл қоидаларини пухта билишларини талаб қилмоқда. Шунинг учун ҳам биз ҳайдовчилик гувоҳномасини топшираётганимизда зиммамиздаги масъулиятни чуқур англашимиз лозим. Ҳайбаракаллачилик, пулини тўласа бўлди, деган гаплар бизнинг жамоамизга ёт нарса. Ўқитувчиларимизга талабимиз жуда қаттиқ. Ташкилотимизда 56 нафар ишчи-ходим хизмат қилади. Демак шунча оиланинг қозони шу ердан оладиган маош ҳисобидан қайнайди. Оиланг, фарзандларинг олдига ҳалол насибангни олиб боришинг керак. Уларнинг иш шароитлари учун ҳамма имконият, енгилликларни яратиб берганмиз, шунга яраша улар ҳам виждонан меҳнат қилмоқдалар. Шаҳар бўйича кўплаб ёшларнинг бизга келиши, энг кўп бизда ўқитилиши, ўқувчиларимиз сафининг тобора ортиб бораётганининг сабаби ана шунда бўлса керак.

Ташкилотимиз барча амалий фаолиятини давлат, жамоат ва бошқа нодавлат, нотижорат ташкилотлари, меҳнат жамоалари билан, шунингдек, Ҳамдўстлик давлатларининг мудофаага кўмаклашувчи ва спорт-техника ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб бормоқда. Хусусан, Меҳр ва мурувват йилида амалга оширилаётган барча эзгу юмушлар учун имкон қадар ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Туман ҳокимлиги, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармаларининг туман бўлимлари, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими билан ҳамкорликда қатор мурувват тадбирларини ўтказиб келмоқдамиз.

Сизнинг қараб туришингиздан тушуниб турибманки, юқоридаги, суҳбатимиз бошида айтиб кетган гапларимга изоҳ беришимни кутиб турибсиз. Эшитинг, ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида эврилиш, янгиланиш, ўсиш жараёнлари кетмоқда. Бугун рақобат, яъни яхши маънодаги рақобат кетмоқда. Беш-ўн кишининг бошини қовуштириб уларга раҳбарлик қила олган одам уларнинг ҳамма кунида ярай олиши, тинч, соғлом муҳитни ярата олиши керак. Шунингдек раҳбар тадбиркор, ҳисобчи, жамоатчи, қозонини беминнат қайната оладиган бўлиши лозим. Узоқни кўра оладиган, соғлом рақобатни тушуна оладиган раҳбарнинг ишида унум, кўрсаткичида юқорилаш бўлади. Лекин минг афсуслар бўлсинки, мана шу нарсани тушуна олмайдиган, тушунса ҳам тушунмасликка олиб сизни қийнаб юборадиган одамлар ҳали ҳам орамизда бор. Шуларни кўрсам, ишимга халақит берса хунобим ошиб кетади, «замонга боқсангчи оғайни, осмондан тушганмисан», деб баҳслашиб кетаман. Президентимизнинг ўзлари тадбиркор, ишбилармон одамларни қўллаб турганларида нега биз яна ҳам яхшироқ ишламаймиз, бир-биримизни қўллаб-қувватламаймиз деб фиғоним чиқади. Ҳа, майли, чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди.

Биз Ғайрат ака билан узоқ суҳбатлашдик, тўғрироғи мен эшитдим, у киши куйиб-пишиб ўзини қийнаётган муаммолар, камчилик ва нуқсонлар ҳақида, пировардида эса эртамизнинг нурли йўли, эзгу ва савобли юмушларнинг натижаси улуғ бўлиши ҳақида сўз юритди. Мен эса ташқаридан қараганда жуда мўъжазгина кўринган ушбу ташкилот ичкарисида ҳаёт қайнаётганининг гувоҳи бўлганча чуқур таассуротлар билан ўз ишининг, касбининг фидойилари меҳнат қилаётган масканни тарк этдим.

Айтиш мумкинки, ўз олдига катта мақсадларни қўйган «Ватанпарвар» ташкилоти Ҳамза туман бўлимининг ибратли ишлари бошқа туманларда ҳам қўлланилса фойдадан холи бўлмайди. Яхшилик ва хайрли ишларга шошган инсонларнинг эса ҳамиша ҳаётда омадлари кулишини тилаб қоламиз.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

---

# ВАТАНПАРВАР

*Баҳорги чақириқ*

## ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТИНГ!

***Юртимизда гўзал баҳорнинг гоҳида илиқ, гоҳида ёғин-сочинли кунлари кезмоқда. Бутун атроф гўзалликка, ям-яшил майсалару кўзларни қувнатувчи чаманзорга айланган. Айни табиатнинг энг гўзал бўлган фасли ҳукмронлик қилаётган паллада она заминнинг тинчлиги-осойишталиги йўлида, ўз Ватани олдидаги муқаддас бурчини ўташга отланган, танлов ва тиббий кўрикдан муваффақиятли ўтиб, юрт посбони бўлишга муносиб деб топилган бир гуруҳ ўғлонлар катта тантана билан куни кеча армиямиз сафларига кузатилди.***

Ҳарбий оркестр садолари янграб, хизматга отланган йигитлар саф тортдилар. Тадбирни шаҳар Мудофаа ишлари бош бошқармаси бошлиғи, полковник Бахтиёр Маҳмудов очиб берди.

— Азиз ўғлонлар, — деди жумладан у. — Она юрт ҳимоячиси, Ватан посбони бўлиш шарафига муяссар бўлган мард йигитлар, сафарингиз бехатар бўлсин. Сизларнинг ота-онангиз, азиз устозларингиз юзини ерга қаратмай масъулият билан хизматни ўташингизга ишонаман. Ҳарбий хизмат — ҳар бир йигит учун катта шараф. Мен ана шундай масъулиятли дамларда сизга сабр-бардош, кучли ирода тилайман. Хизматни яхши ўтаб, замонавий техника сир-асрорларини пухта эгаллаб ёруғ юз билан ота-онангиз бағрига қайтишингизга тилакдошман.

Шундан сўнг Акмал Икромов тумани мудофаа ишлари бошқармаси ва «Камолот» ЁИҲ туман бўлими томонидан бўлажак аскарлар учун биринчи навбатда керак бўладиган буюмлардан иборат тўпламлар топширилди.

Биз дўстлари даврасида ўзгача ғурур билан турган бўлғуси аскарлар, жигарбандларини бағирларига олиб, йўлйўриқ, насиҳатлар бераётган ота-оналар, тоғалару амакилар, яқинларининг вояга етиб, йигитлар сафига қўшилаётганидан кўзларига севинч ёшлари қалққан холажонлару бувижонлар билан суҳбатлашдик, уларнинг фикрлари билан қизиқдик. Ва маълум бўлдики, уларнинг аксарияти куни кеча эълон қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қароридан, унда алоҳида айтиб ўтилган армия хизматига отланган йигитларни кузатиш эмас, балки ўз хизмат вазифасини шараф билан ўтаган йигитларни тантанали кутиб олиш ҳақидаги бандидан ҳам хабардорлар ва бу уларга жуда маъқул бўлган, кўнгилларини кўтарган.

— Мен ўз хоҳишим билан хизматга кетяпман, — дейди ўзини Мирсобит Одилов деб таништирган ўғлон. — Отам Мирсолиҳ, онам Мастура Одиловаларнинг яккаю ёлғиз ўғиллариман. 2-та синглим бор. Лекин мен ёшликдан ҳарбий бўлишни орзу қиламан. Шу йўлда илк қадамни қўймоқдаман, ишонаманки яхши ва аъло хизматим билан ота-онамга муносиб фарзанд бўламан.

— Мен эса 7-касб-ҳунар коллежини тугаллаб, заргарлик касбини эгалладим, — дейди Акмал Икромов туманилик Исломжон Нишонов. — Отам Раҳимжон ва онам Каримахонларнинг оқ фотиҳаларини олдим. Худо хоҳласа хизматни яхши тугаллаб келганимдан кейин ўқишимни давом эттираман.

— Ўғлим Дониёр Исломовни, олтинчи фарзандимни ўз йигитлик бурчини ўташи учун кузатяпмиз, — дейди ўзини Холида Исломова деб таништирган онахон. — Бешта ўғлим ҳам армия хизматида бўлишган. Ўзга юртларда хизмат қилишган эди. Худога шукр, кенжатойим Дониёржон ўз юртимизда, бир йил хизмат қилади. Шу кунгача Тошкент Давлат юридик коллежини тугаллади. Орзулари жуда кўп. Илоҳим юртимиз тинч бўлиб, фарзандларимиз эсон-омон бағримизга қайтишсин.

— Мен эса жиянимни кузатяпман, — дейди Тоҳир Орифжонов. — У келажакда ҳарбий офицер бўлишни ният қилади. Илоҳим орзуларига эришсин, бу йўлда меҳнату машаққатлардан чўчимасин.

Биз ҳам сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиз тинчлиги- осойишталиги йўлида посбон бўлишга аҳд қилган йигитларнинг йўллари равон ва ойдин бўлишини, Ватан қўриқчиси бўлишдек шарафли вазифани масъулият ва шараф билан ўташларини тилаб қоламиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

---

## МУҚАДДАС БУРЧ

***Ҳарбий соҳада изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар миллий армиямиз сафларини профессионал кадрлар билан тўлдириш имконини бермоқда.***

Бугун Ватан ҳимоячиси, ҳарбий бўлиш— шарафли, айни вақтда масъулиятли ишга айланди. Юртимизнинг энг сара, асл йигитлари ҳарбийлик либосини катта ғурур билан кийишмоқда. Тўғрида, туғилган юртинг, ота-онанг, яқинларинг тинчлигини қўриқлаш улкан вазифа, мардлар юмуши.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган оддий аскарлар янги қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ бир йил хизмат қилишмоқда. Шуниси қувончлики, бундан атиги 4-5 йил олдин армия хизматини муқобил хизмат турида ўташга, ўғилларини хизматдан иложи борича олиб қолишга ҳаракат қиладиган ота-оналар бугун фарзандларининг миллий армиямиз сафларида бўлишини, Ватанга хизмат қилишини, муддатли ҳарбий хизматга лойиқ деб топилишини тиламоқдалар.

Шунинг учун ҳам Қуролли Кучларимиз сафи жисмоний жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам етук бўлган сара йигитлар билан тўлмоқда.

Шу йил 10 март куни эълон қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қароридаги, фақат армия хизматига чақирилувчиларни кузатиш эмас, балки хизматни шараф билан ўтаб ота-онаси, оиласи бағрига қайтаётган аскар йигитларнинг ҳам тантанали кутиб олиниши, ижтимоий-сиёсий, жанговар машқларда намуна кўрсатиб, хизматни муваффақиятли тугаллаган аскарларга олий ўқув юртларига имтиёзли киришлари учун «Тавсиянома»ларнинг берилиши каби алоҳида кўрсатиб ўтилган иловалари хизмат нуфузининг янада ошишига хизмат қилади десак муболаға бўлмайди. Бу миллий армиямиз сафлари жисмонан соғлом, бақувват, интеллектуал даражаси ҳар жиҳатдан етук, маънан баркамол бўлган йигитлар билан янада мустаҳкамланади деганидир.

Шу ўринда айтиб ўтмоқчимизки, Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлиш ҳарбийларимиз, Ватан посбони бўлиш остонасида турган эр йигитларимизнинг асосий вазифалари, муқаддас бурчларидир.

**Шерзод ШУҚУРОВ,**
**Тошкент давлат юридик коллежи талабаси.**

---

## АСКАР МАКТУБЛАРИ

***Ассалому алайкум Онажоним! Дунёдаги энг меҳрибон, жонкаш-жафокаш, ўзини эмас, фақат фарзандларини ўйлаб заҳмат чекадиган ғамхўрим, Онажоним.***

Ўғлингизнинг, соғинчли саломини қабул этинг. Онажон, соғ-саломатмисиз. Мени соғиниб, ўйлаб сиқилмаяпсизми. Сингилларим Лола, Камолалар ҳам яхши юришибдими? Тошкенти азим она шаҳрим тинчми, об-ҳаволар қандай?

Мендан сўрасангиз, сизнинг оқ фотиҳангиз, дуоларингиз соясида эсон-омон ўз йигитлик бурчимни ўтаб юрибман. Онажон, бугун хизматни бошлаганимга 6 ой бўлди. Шу ўтган вақт мен учун бир синов, имтиҳон бўлди, десам ишонаверинг. Ҳамма нарсамиз тайёр мазза қилиб, ҳеч нарсани ўйламай юраверган эканмиз. Ҳаёт бошқа экан, кўзни очиб атрофга яхшилаб қараш керак экан.

Онажон, ўйламанг, хизматга борганидан афсусланаяпти деб, йўқ асло, жуда хурсандман. Сизнинг қадрингизни яхшироқ билдим, йигитларнинг ўрни қандай бўлишини тушундим. Ўзимнинг ҳаёт йўлимни ҳам менимча аниқ белгилаб олдим. Биласизку ёшликдан ҳарбий бўлишни орзу қилардим. Офицер, Худо хоҳласа генерал бўлиб сизни иззату икромларда олиб юришни ният қиламан. Ёлғиз аёл бошингиз билан бизни кеча-кундуз меҳнат қилиб вояга етказдингиз, энди албатта роҳатимизни кўриб юрасиз. Хат билан бирга яхши хизматим учун командиримиз томонидан сизга юборилаётган «Ташаккурнома»ни ҳам жўнатяпман. Бизга айтишларича, аъло хизмат қилган аскарларга олий ўқув юртига киришлари учун «Тавсиянома» ҳам берилар экан. Худо хоҳласа мен ҳам албатта уни олиш учун ҳаракат қиламан. Гапим жуда чўзилиб кетди, сизни жуда-жуда соғиндим.

Хайр, оддий аскар ўғлингиз
**Мурорджон РАҲИМЖОНОВ**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Мунофиқ дўст мунофиқ қариндошдан яхши. Бир киши бир улуғ одамдан сўради:

— Ака-ука дилга яқинми ёки дўст?

У жавоб берди:

— Ўз ака-укам садоқат йўлини тутгандагина дилимга яқин.

Байт:

**Дўст бўлмаса**
**яқинларинг кечгин**
**улардан,**
**Бегоналар меҳр қилса,**
**дўст тут уларни.**

● Ҳикмат. Ҳисоб ва сарф муомала учун, кўмак, узр ва ихлос дўстлик ва муҳаббат учундир.

Байт:

**Ҳар кимсага таъна**
**тошни отма,**
**Гарчи бўлса ҳамки**
**қайсар ёки шум,**
**Айбсиз дўстларни**
**топмоқ муаммо,**
**Айтчи хатолардан**
**ким поку масъум,**
**Ҳар ким дўстларига**
**хушфеъл бўлмаса,**
**Дўстлик иззатидан**
**бўлади маҳрум.**

● Айбингдан хабар топиб, уни бировларга ошкор қилмайдиган, сенга яхшилик қилса, уни таъна қилмайдиган, унга яхшилик қилсанг, асло унутмайдиган одам билан дўстлик ипини боғламоқ керак.

Байт:

**Кўп ҳолатнинг бўлдим**
**шоҳиди,**
**Айб қидирган бўлди**
**айбдор.**
**Кимнинг бўлса**
**юраги тоза,**
**Ўзга айбин**
**қидирмас зинҳор.**
**Дўст айбини**
**бекитар доим,**
**Фазилатин**
**мақтайди такрор,**
**Яхшилигинг**
**улуғ деб билмас**
**Ўзингни ҳам**
**тутмас асло хор.**
**Шундай дўстга**
**дуч келсанг агар,**
**Қўлларингдан**
**чиқарма зинҳор.**

● Ҳикмат. Бир улуғ киши ўз укасига насиҳат қилиб дерди:

— Дўст жафо билан душманга айланади. Душман эса, эҳсон билан дўстга. Агар душманни эҳсон ва ҳадя билан дўст қаторига киргаза олмасанг жафо билан душман қаторига киргизма.

**Одам яхшиликка**
**бандадир доим,**
**Мангу дўстлар ҳам**
**барибир одам.**
**Ҳар кимнинг дилига**
**оғир келмайди,**
**Душман меҳр билан**
**дўст бўлгани дам.**

● Ёшлик онларимда дадамдан: «Муҳаббат даъосини қилиб, ака-укаликдан дом урган кишиларнинг ўз сўзида содиқ ва қалби мустаҳкам эканлигини қандай билса бўлади?» — деб сўрадим. Дадам: «Ўз бахти ва улушини сенга таклиф қила олиши билан» — деб жавоб берди.

Байт:

**Ҳар ким ўз нафсининг**
**куйида гирён,**
**Даъвойи дўстлиги**
**пуч ила ёлғон.**





*Йилдан йилга яшариб, чирой очиб бораётган азим Тошкентимиз баҳор фаслида янада тароватли бўлади.*

*Ольга Сургутанова олган сурат.*

*Ёшлар — келажагимиз*

***Республикамизнинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳар ойнинг биринчи куни «Маънавият куни» деб эълон қилинган. Жумладан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультетида ҳар ой биринчи ҳафтасининг сешанба куни — «Маънавият куни»да турли соҳа олимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар масъул ходимлари иштирокида факультет профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари билан кенг миқёсдаги маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.***

***Куни кеча бўлиб ўтган тадбирда ҳар бир босқич талабалари билан «Ёшларни тарбиялашда ҳуқуқий онгнинг роли», «Судья ким ва у қандай бўлиши керак?», «Ўзбекистонда Адвокатура тизими ва касб маҳоратининг жамоат судларидаги ўрни ва аҳамияти», «Марказий Осиё фалсафий тафаккурида маънавий масалалар» каби мавзулар бўйича ўзаро фикр алмашилди.***

# УНИВЕРСИТЕТДА МАЪНАВИЯТ КУНИ

«Ёшларни тарбиялашда ҳуқуқий онгнинг роли» мавзусидаги асосий масала вояга етмаган ёшлар томонидан билиб-билмай содир қилинаётган ижтимоий-хавфли ҳаракатлар, оммавий ҳуқуқбузарликлар ва бундай ғайриҳуқуқий ҳаракатларнинг ёшлар онгига салбий таъсири, уларнинг олдини олиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга қаратилди. Бу борада Равшан Муродов, Элмурод Ортиқов, Фазлиддин Фахрутдинов каби талабаларнинг фикр-мулоҳазалари жуда қизиқарли бўлди. Талабаларни қизиқтирган барча саволларга профессор-ўқитувчилар Р.Рўзиев, Ш.Жалилов, Қ.Холмўминов, Р.Ҳақбердиевалар тўлиқ ва тушунарли тарзда жавоб бердилар.

— Ҳар ойнинг «Маънавият куни»да бўлиб ўтаётган қизиқарли давра суҳбатлари бўлғуси етук мутахассисларимиз ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг юксалишида, уларни миллий истиқлол ғояларига муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади», — дейди факультетнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича декан ўринбосари С.Миралиев.

Албатта, бундай тадбирдан кўриниб турибдики, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ёшларни ҳам бефарқ қолдираётгани йўқ, балки уларни ҳуқуқий саводхон, кенг тафаккурли бўлишга чорламоқда.

**Наргиза ДЎСМУҲАМЕДОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети II-босқич магистри.**

*Таълим*

# ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

***Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда жамоатчилик, ота-оналар, Васийлик кенгашларининг ҳам алоҳида роли борлиги сир эмас. Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Собир Раҳимов академик лицейида бундай ҳамкорликни амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Буни биз академик лицейнинг нафақат ўқувчилар, балки ота-оналарга ҳам «Очиқ эшиклар» куни белгиланганлигида, ота-оналар ва жамоатчилик вакилларига барча дарслар очиқ деб эълон қилинганида, ўқув ва тарбиявий ишларни амалга оширишда узвий боғланишнинг намунали ташкил қилингани мисолида кўриб турибмиз.***





Бу ўқув даргоҳида ўқувчи-ёшларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, янги қуриб битказилган муҳташам ўқув биноси, замонавий ўқув жиҳозлари фарзандларимиз ихтиёрига берилган. Бу ерда ўз касбининг усталари, тажрибали педагогик жамоа тўпланган бўлиб, улар университетнинг етакчи профессор-ўқитувчилари билан биргаликда ўқувчиларга илм сирларини эгаллашда сабоқ бермоқдалар. Уларнинг асосий эътибори ёшларнинг кучли билим олиши, одоб-ахлоқларига қаратилган. Академик лицейда ўқув самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг маънавий ва маърифий онгини юксалтириш асосий вазифа ҳисобланади. Бу фарзандларимизнинг мустақил фикрлаши, иш юритиши, ўзини тутиши, ўқишга бўлган ҳавасининг ортиши, ахлоқ-одобининг ижобий ўзгарганлигида намоён бўлмоқда.

Педагогик жамоа иш фаолиятининг асосий йўналишларидан бири дарсларни янги илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этишга қаратилган. Академик лицей ўқитувчиларининг ноанъанавий дарслар ўтказиш борасида анча бой тажрибага эга эканликлари кўпчилик ота-оналар томонидан ҳам тан олинмоқда, Жумладан, физика фанидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, доцент Баҳодир Йўлдошев, инглиз тилидан доцент Абдуваҳоб Қўчқоров, она тили ва адабиёти фанидан олий тоифали ўқитувчи Дилфуза Шодиеваларнинг дарс беришда инновацион технологиялар, таълимнинг интерфаол усулларини қўллашлари, янги мавзу мазмунини очишда ўқувчиларни жалб қилишлари самарали эканлиги кўриниб турибди.

Ўқувчиларнинг дарслардан ташқари бўш вақтларини фойдали ўтказишга йўналтирилгани ҳолда ота-оналарнинг фикрларини ҳам ҳисобга олиб, режа асосида олиб борилиши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Мазкур ўқув юртида ота-оналар қўмитаси, Васийлик кенгаши билан ҳамкорликда музейларга бориш, у ерда дарс ўтиш, обида-ёдгорликларни зиёрат қилиш, меҳрибонлик ва қариялар уйидан хабар олиб туриш, адиблар, фан ва техника, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар ўтказиш фарзандларимизнинг дунёқарашини шакллантиришда катта ўрин тутмоқда.

Ўқув даргоҳида информацион марказ ташкил этилган бўлиб, унда энг охирги русумли, Интернет тизимига уланган 50 дан ортиқ электрон-ҳисоблаш машиналарининг ўрнатилганлиги, ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигига эга бўлишларида ва ахборот технологиясидан фойдаланишларида катта ўрин тутмоқда. Ўқув юртида дарслар 5 та лингафон хоналарида хорижий тилларни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган ҳолда ўтилиши эътиборга лойиқдир.

Физика, кимё, биология фанларидан амалиёт хоналарининг ташкил этилганлиги ўқувчиларга амалий машғулотлар ўтказиш билан бир қаторда, илмий-тадқиқот ишлари билан ҳам шуғулланишларига имкон беради. Бундан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг рефератлар, докладлар тайёрлаши, муҳандислик ечимларини топиб, қурилмалар ясашлари, дастурлар тайёрлашлари, мақолалар ёзишлари каби ишларни бажаришлари йўлга қўйилган.

Ишонамизки, фарзандларимиз устозларидан олган билим ва малакаларини мустақил Ватанимиз равнақи, келажаги буюк давлат қуриш йўлида сарфлайдилар.

**Анвар ЁҚУБХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.**

**СУРАТЛАРДА: Собир Раҳимов академик лицейи ҳаётидан лавҳалар.**

*Биласизми?*

## ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Биров кафтлари орасига тухумни яшириб, Насриддин Афандидан сўрабди:

— Топинг? Бу нима?

— Ейдиган нарсами, ўзи?

— Ҳа.

— Ундай бўлса, белгиларини айтинг, топаман, — дебди Насриддин.

— Белгилари шуки, —деб жавоб берибди унга шахс, — ўзи юмалоқ, ўртаси сариқ, тепаси оқ.

— Ҳа бўлди, топдим. Сиз пиёзни ўйиб ўртасига сабзи жойлагансиз, — деган экан афанди.

Ушбу латифани келтиришимиздан мақсад шуки, бир вақтлар одамлар тухум нималигини билишмаган. Тухумнинг модасини билмагач, товуқ гўшти ҳам ўз-ўзидан ейилмаган.

Қадим замонда Ҳиндистон осмони қора либосга ўралиб, сон-саноқсиз юлдузлар чарақлаганда қандайдир бир қушнинг ўткир овози чангалзорларнинг сокинлигини бузиб, мақбараларга урилиб, акс садо берарди. Шунда одамлар:

— Ана, қуёш қуши сайраяпти, ярим кеча бўлибди, инсу-жинслар офтоб ёғдуси устидан ғолиб чиқиб, оламни зулматга чўмдиришгани ва ўзлари ер юзида изғиб юришгани тўғрисида дарак беряпти, дейишарди.

Саҳарда узоқ-яқинлардан яна ўша «қу-қу-қуҳ-қуув», — деган жарангдор овозлар оламни тутиб кетар, гўдакларни ширин уйқудан уйғотар, деҳқонни далага, браҳманни бутхонасига йўрғалатарди. Тағин одамлар:

— Ана, инсу-жинслар анжуман қурадиган қоронғу зулмат устидан энди қуёш ғолиб чиққанлиги тўғрисида қуш дарак беряпти, демак тонг отди, дейишарди.

Бу ғоят зебо, кўкраги тилласимон товланувчи патлари олов ёлқинларига ўхшаш, пешонасида қип-қизил чўғдай тожи бор, думлари тим яшил, гажак, бамисоли ўроқдай эгилган, ёш бола минса оёғи ерга тегмайдиган каттагина бир қуш эди.

Булар эндиликда бутун дунёга тарқаб кетган сершифо гўшт, лазиз тухум, ҳатто юмшоққина пар берадиган товуқ ва хўрозларнинг ёввойи авлоди бўлган. Уларнинг асли ватани ҳинд ўрмонлари, Ҳимолай тоғининг этаклари ва Малайя оролларидир.

Табиатшунослар ўша жойларни бориб текширсалар, ёввойи товуқлар ҳануз ҳам бор бўлиб, асосан бутазорлар ва ғаровзорлар орасида ҳаёт кечиришар, у дарахтдан бу дарахтга осонликча учиб ўтиб мева, уруғ, қурт-қумусқалар билан овқатланар экан. Ёввойи товуқларнинг туси ҳар хил: тим яшил, жигар ранг, сап-сариқ, ола-чипор, оппоқ ва қоп-қора бўларкан.Гўштини татиб кўрганларнинг айтишича, лаҳими бизнинг қўлбола товуқларимизникидака бўлмай, балки қаттиқ, лаззати камроқ ва ранги қорароқ эмиш.

Тахминан икки минг йил муқаддам, қуёш қушларининг овозаси Ўрта Осиё, Кавказ, Қора денгиз бўйларида ва ҳатто Шимолий Россияда ҳам тарқалганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Эндиликда бутун дунёда товуқ боқмаган халқ йўқ. Етти хазинанинг бири бўлмиш бу уй паррандасидан ер юзидаги барча халқлар баҳраманд бўлишмоқда.

Ҳозирги товуқлар семизлиги, гўштининг нафислиги, кўплаб йирик тухум туғиши билан ёввойисидан тамомила фарқ қилади. Олимларнинг ҳисоблашларига қараганда бутун дунёда атиги бир йилгина бирорта товуқ сўйилмай турилса, бирорта тухум товога чақилмай, ҳаммасидан жўжа очилиб чиқарилса, Ер шаридаги барча қуруқликни, «қуёш қушлари» эгаллаб олиб, одамларга ҳатто қадам қўйгани ҳам жой қолдирмасликлари, бунинг устига ўша муқаддас «қу-қу-қуқ-қуув» овозларидан бирон дақиқа ҳам мижжа қоқтирмасликлари мумкин. «Пиширсанг ош бўлади, пиширмасанг қуш бўлади» деган топишмоқ ҳам бежиз айтилмаган. Лекин қадимги ҳинд афсоналарида айтилишича: тун ўзининг юлдуз гулли қора либосини Ҳиндистон осмонидан йиғиштириб олишига муқаддас «қу-қу-қуқ-қуув» овози сабаб бўлади. Агар бу қуш сайрамаса тонг ёришмайди, қуёш ўз юзини кўрсатмайди» дейилган. «Қуёш қуши туфайли биз қуёшдан баҳраманд бўламиз,—деган тушунча орқали уни кўпайтиришган ва унга сиғинишган ҳам.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

# ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

**ДУК «Сувсоз» трести мамнуният билан Сизларга ўз истеъмолчилари ўртасида 2004 йилнинг 25-март куни ўтказилган қимматбаҳо ютуқлар ўйинида қатнашиб, ғолибликка эришган истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб рақамларини билдиради.**

Акмал Икромов тумани

| № п/п | Наименование приза | лиц.счет |
|---|---|---|
| 1 | Телевизор | 060077 |
| 2 | Телевизор | 073387 |
| 3 | Видеомагн. | 073501 |
| 4 | Кух. комбайн | 094122 |
| 5 | Кофемолка | 094441 |
| 6 | Блендер | 511433 |
| 7 | Блендер | 071618 |
| 8 | Блендер | 086294 |
| 9 | Блендер | 073918 |
| 10 | Фен | 075316 |
| 11 | Фен | 096273 |
| 12 | Фен | 092948 |
| 13 | Фен | 079669 |
| 14 | Кофеварка | 512025 |
| 15 | Кофеварка | 060530 |
| 16 | Тостер | 093053 |
| 17 | Тостер | 096725 |
| 18 | Тостер | 2204046 |

Бектемир тумани

| № л/п | Наименование приза | лиц.счет |
|---|---|---|
| 1 | Блендер | 500317 |
| 2 | Тостер | 448232 |

Миробод тумани

| № п/п | Наименование приза | лиц.счет |
|---|---|---|
| 1 | Телевизор | 364245 |
| 2 | Видеомагн. | 5104073 |
| 3 | Пылесос | 364025 |
| 4 | Пылесос | 5064115 |
| 5 | Блендер | 368877 |
| 6 | Блендер | 361556 |
| 7 | Блендер | 360837 |
| 8 | Блендер | 5030016 |
| 9 | Блендер | 369545 |
| 10 | Утюг | 5065012 |
| 11 | Фен | 360368 |
| 12 | Фен | 360926 |
| 13 | Тостер | 369412 |
| 14 | Тостер | 375548 |
| 15 | Тостер | 5053034 |
| 16 | Тостер | 5097060 |
| 17 | Тостер | 5246038 |
| 18 | Тостер | 5057078 |

Мирзо Улуғбек тумани

| № п/п | Наименование приза | лиц.счет |
|---|---|---|
| 1 | Телевизор | 250624 |
| 2 | Телевизор | 296139 |
| 3 | Телевизор | 4069123 |
| 4 | Стир. машина | 263661 |
| 5 | Стир. машина | 249871 |
| 6 | Видеомагн | 268517 |
| 7 | Кух. комбайн | 6149030 |
| 8 | Пылесос | 308827 |
| 9 | Пылесос | 240487 |
| 10 | Кофемолка | 601087 |
| 11 | Кофемолка | 289714 |
| 12 | Кофемолка | 303296 |
| 13 | Блендер | 296166 |
| 14 | Блендер | 304581 |
| 15 | Блендер | 260515 |
| 16 | Блендер | 304340 |
| 17 | Блендер | 294412 |
| 18 | Блендер | 301443 |
| 19 | Блендер | 248763 |
| 20 | Блендер | 249788 |
| 21 | Блендер | 6144026 |
| 22 | Блендер | 6030050 |
| 23 | Блендер | 6166051 |
| 24 | Утюг | 297180 |
| 25 | Фен | 297684 |
| 26 | Фен | 303115 |
| 27 | Фен | 247122 |
| 28 | Фен | 249759 |
| 29 | Фен | 308888 |
| 30 | Фен | 303043 |
| 31 | Фен | 288833 |
| 32 | Фен | 296644 |
| 33 | Тостер | 301599 |
| 34 | Тостер | 239831 |
| 35 | Тостер | 274949 |
| 36 | Тостер | 250596 |
| 37 | Тостер | 282059 |
| 38 | Тостер | 303923 |
| 39 | Чайник | 261857 |

Сергели тумани

| № п/п | Наименование приза | лиц.счет |
|---|---|---|
| 1 | Телевизор | 389718 |
| 2 | Стир. машина | 493868 |
| 3 | Холодильник | 390590 |
| 4 | Холодильник | 390589 |
| 5 | Холодильник | 411702 |
| 6 | Кух. комбайн | 400973 |
| 7 | Кух. комбайн | 400061 |
| 8 | Пылесос | 403485 |
| 9 | Кофемолка | 412264 |
| 10 | Кофемолка | 394723 |
| 11 | Блендер | 388227 |
| 12 | Блендер | 411779 |
| 13 | Блендер | 385430 |
| 14 | Утюг | 386428 |
| 15 | Утюг | 3164051 |
| 16 | Фен | 397595 |
| 17 | Фен | 388544 |
| 18 | Фен | 494455 |
| 19 | Фен | 410599 |
| 20 | Фен | 388268 |
| 21 | Фен | 494415 |
| 22 | Тостер | 494566 |
| 23 | Тостер | 417000 |
| 24 | Тостер | 389987 |
| 25 | Тостер | 399060 |
| 26 | Тостер | 405213 |
| 27 | Тостер | 394204 |

Собир Раҳимов тумани

| № п/п | Наименование приза | лиц.счет |
|---|---|---|
| 1 | Стир. машина | 149158 |
| 2 | Холодильник | 156850 |
| 3 | Холодильник | 140822 |
| 4 | Видеомагн. | 1077037 |
| 5 | Блендер | 146656 |
| 6 | Блендер | 154188 |
| 7 | Блендер | 2248040 |
| 8 | Утюг | 145451 |
| 9 | Утюг | 172696 |
| 10 | Утюг | 160309 |
| 11 | Фен | 146493 |
| 12 | Фен | 152872 |
| 13 | Фен | 2007047 |
| 14 | Фен | 2050038 |
| 15 | Тостер | 169801 |
| 16 | Тостер | 161601 |
| 17 | Тостер | 2007029 |

Ҳамза тумани

| № п/п | Наименование приза | лиц.счет |
|---|---|---|
| 1 | Видеомагн. | 310445 |
| 2 | Видеомагн. | 314684 |
| 3 | Кух. комбайн | 309302 |
| 4 | Пылесос | 321023 |
| 5 | Пылесос | 322496 |
| 6 | Кофемолка | 324969 |
| 7 | Блендер | 310391 |
| 8 | Блендер | 322099 |
| 9 | Блендер | 334670 |
| 10 | Блендер | 350929 |
| 11 | Блендер | 311837 |
| 12 | Блендер | 348556 |
| 13 | Блендер | 341843 |
| 14 | Блендер | 5118133 |
| 15 | Блендер | 5071083 |
| 16 | Утюг | 330545 |
| 17 | Утюг | 339060 |
| 18 | Утюг | 326731 |
| 19 | Утюг | 333026 |
| 20 | Утюг | 6105123 |
| 21 | Фен | 318712 |
| 22 | Фен | 321229 |
| 23 | Фен | 322955 |
| 24 | Фен | 348272 |
| 25 | Фен | 318995 |
| 26 | Фен | 336152 |
| 27 | Фен | 5150088 |
| 28 | Фен | 5239087 |
| 29 | Кофеварка | 5151123 |
| 30 | Кофеварка | 5237083 |
| 31 | Тостер | 348758 |
| 32 | Тостер | 322756 |
| 33 | Тостер | 329889 |
| 34 | Тостер | 321447 |
| 35 | Тостер | 324362 |
| 36 | Тостер | 5154098 |
| 37 | Тостер | 6109020 |
| 38 | Чайник | 325996 |

Чилонзор тумани

| № п/п | Наименование приза | лиц.счет |
|---|---|---|
| 1 | Холодильник | 021485 |
| 2 | Холодильник | 3144058 |
| 3 | Видеомагн. | 021288 |
| 4 | Кух. комбайн | 004958 |
| 5 | Пылесос | 807004009 |
| 6 | Пылесос | 037592 |
| 7 | Кофемолка | 058235 |
| 8 | Кофемолка | 001818 |
| 9 | Блендер | 034633 |
| 10 | Блендер | 026633 |
| 11 | Блендер | 026146 |
| 12 | Блендер | 048096 |
| 13 | Блендер | 013789 |
| 14 | Блендер | 033305 |
| 15 | Блендер | 052662 |
| 16 | Блендер | 013953 |
| 17 | Утюг | 010335 |
| 18 | Утюг. | 015234 |
| 19 | Фен | 000470 |
| 20 | Фен | 024348 |
| 21 | Фен | 035942 |
| 22 | Фен | 052551 |
| 23 | Фен | 019756 |
| 24 | Фен | 035297 |
| 25 | Фен | 001041 |
| 26 | Фен | 001509 |
| 27 | Фен | 013989 |
| 28 | Фен | 046318 |
| 29 | Фен | 3124043 |
| 30 | Фен | 3076054 |
| 31 | Кофеварка | 001486 |
| 32 | Тостер | 020969 |
| 33 | Тостер | 026284 |
| 34 | Тостер | 003291 |
| 35 | Тостер | 051542 |
| 36 | Тостер | 042695 |
| 37 | Тостер | 023537 |
| 38 | Тостер | 045622 |
| 39 | Тостер | 056614 |
| 40 | Тостер | 045151 |
| 41 | Тостер | 3163091 |
| 42 | Тостер | 3134103 |
| 43 | Чайник | 029877 |
| 44 | Чайник | 047083 |
| 45 | Чайник | 057131 |
| 46 | Чайник | 3140022 |

Шайҳонтоҳур тумани

| № п/п | Наименование приза | лиц.счет |
|---|---|---|
| 1 | Видеомагн. | 114784 |
| 2 | Холодильник | 2039067 |
| 3 | Пылесос | 126930 |
| 4 | Блендер | 121806 |
| 5 | Утюг | 116746 |
| 6 | Утюг | 4009070 |
| 7 | Фен | 106805 |
| 8 | Фен | 111198 |
| 9 | Фен | 131487 |
| 10 | Фен | 2300092 |
| 11 | Фен | 4002045 |
| 12 | Фен | 2038112 |
| 13 | Тостер | 123636 |
| 14 | Тостер | 125817 |
| 15 | Тостер | 115698 |

Яккасарой тумани

| № п/п | Наименование приза | лиц.счет |
|---|---|---|
| 1 | Телевизор | 437112 |
| 2 | Холодильник | 428081 |
| 3 | Кух. комбайн | 421704 |
| 4 | Кофемолка | 3044176 |
| 5 | Блендер | 420845 |
| 6 | Блендер | 438907 |
| 7 | Блендер | 419407 |
| 8 | Блендер | 5014103 |
| 9 | Утюг | 433856 |
| 10 | Утюг | 432971 |
| 11 | Утюг | 436539 |
| 12 | Утюг | 5027005 |
| 13 | Фен | 439101 |
| 14 | Фен | 434449 |
| 15 | Фен | 438013 |
| 16 | Фен | 434006 |
| 17 | Фен | 461323 |
| 18 | Фен | 433508 |
| 19 | Фен | 439941 |
| 20 | Фен | 3087081 |
| 21 | Фен | 3096078 |
| 22 | Фен | 5028096 |

Юнусобод тумани

| № п/п | Наименование приза | лиц.счет |
|---|---|---|
| 1 | Телевизор | 217780 |
| 2 | Телевизор | 212778 |
| 3 | Телевизор | 213040 |
| 4 | Холодильник | 199589 |
| 5 | Видеомагн. | 182682 |
| 6 | Видеомагн. | 4058122 |
| 7 | Кух. комбайн | 211375 |
| 8 | Кух. комбайн | 221041 |
| 9 | Кух. комбайн | 204070 |
| 10 | Кофемолка | 234779 |
| 11 | Кофемолка | 539365 |
| 12 | Блендер | 224000 |
| 13 | Блендер | 201972 |
| 14 | Блендер | 193176 |
| 15 | Блендер | 237983 |
| 16 | Блендер | 202442 |
| 17 | Блендер | 219073 |
| 18 | Блендер | 203762 |
| 19 | Блендер | 224253 |
| 20 | Блендер | 215923 |
| 21 | Блендер | 221600 |
| 22 | Блендер | 223727 |
| 23 | Фен | 223791 |
| 24 | Фен | 209213 |
| 25 | Фен | 200625 |
| 26 | Фен | 509503 |
| 27 | Фен | 198080 |
| 28 | Фен | 196241 |
| 29 | Фен | 227246 |
| 30 | Фен | 223705 |
| 31 | Фен | 209373 |
| 32 | Фен | 510039 |
| 33 | Фен | 186154 |
| 34 | Фен | 4052007 |
| 35 | Тостер | 231291 |
| 36 | Тостер | 179152 |
| 37 | Тостер | 221169 |
| 38 | Тостер | 221000 |
| 39 | Тостер | 194629 |
| 40 | Тостер | 230611 |
| 41 | Тостер | 204580 |
| 42 | Тостер | 206745 |
| 43 | Тостер | 226193 |
| 44 | Тостер | 226679 |
| 45 | Чайник | 179419 |
| 46 | Чайник | 203712 |

Яккасарой тумани

| № п/п | Наименование приза | лиц.счет |
|---|---|---|
| 23 | Тостер | 420184 |
| 24 | Тостер | 421811 |
| 25 | Тостер | 424904 |
| 26 | Тостер | 436313 |
| 27 | Тостер | 419625 |
| 28 | Тостер | 433361 |
| 29 | Тостер | 3051037 |
| 30 | Тостер | 3069066 |
| 31 | Тостер | 5026080 |
| 32 | Чайник | 419544 |
| 33 | Чайник | 432895 |

***Ютуқларни олиш учун ДУК «Сувсоз» трестига (Миробод тумани, Чехов кўчаси, 2-уй) паспорт ва 2002-2003 йил ичимлик ва оқава суви хизмати учун тўлов амалга оширилган қоғозлар билан мурожаат қилишингиз сўралади. Ютуқлар эълон чиққанидан сўнг 6 ойгача берилади.***

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.**
**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.**
**Факс: (3712) 133-29-09.**
**Манзилимиз:**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

*Спорт*

## САИДА ОЛИМПИАДАДА ҚАТНАШАДИ

***Бокс, кураш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, енгил атлетика, гимнастика каби стол тенниси бўйича ҳам спортчиларимиз энг юқори чўққиларни забт этишмоқда.***

Буни олти кун давомида Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида олимпиадага йўлланма берувчи халқаро турнир натижалари яна бир карра исботлади.

Ушбу нуфузли мусобақада курраи заминнинг 40 та давлатидан келган иқтидорли теннисчи қизлар ягона йўлланма учун қизғин кураш олиб боришди. Шуниси қувонарлики, мазкур «бахтли билет» ҳамшаҳримиз, кичик теннис юлдузи Саида Бурхонхўжаевага насиб этди. У барча рақибларини биринкетин доғда қолдирган ҳолда ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олди.

Биз стол тенниси бўйича илк бор ўзбек спортчилари учун олимпиадада қатнашишга йўл очган Саидага Грецияда омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

## МУҲАММАДҚОДИР — ОЛТИН КАМАР СОҲИБИ!

***Ҳамюртларимиз қитъа ва жаҳон чемпиони, дунё кубоги соҳиби бўлган, олимпиадада ғолиб чиққан ҳолда ҳаваскор боксчилар орасида мавжуд барча чўққиларни забт этган бетимсол маҳорат соҳиби Муҳаммадқодир Абдуллаевни яхши билишади.***

Ҳозирги кунда Муҳаммадқодир Америка Қўшма Штатларида профессионаллар орасида ҳам кетма-кет чиройли баҳслар уюштириб чемпионлик камари сари дадил одимлаб келмоқда эди.

Куни кеча Американинг Лас Вегас шаҳрида М.Абдуллаев яна бир ҳал қилувчи беллашувни ажойиб тарзда ўтказди. Бу гал у майдон эгаси, профессионал рингда ўн бешта жанг ўтказиб, ўн иккитасини ғалаба билан якунлаган ва иккита дурангга эришган Жесси Фелисиакога қарши рингга чиқди.

Баҳсни ҳужумкор усулда, дадил бошлаган чарм қўлқоп устамиз 8 раундда рақибини техник нокаутга учратди.

Шундай қилиб Муҳаммадқодир Абдуллаев WBO йўналиши бўйича биринчи ярим ўрта вазнда қитъалараро жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди ва профессионал рингдаги энг юксак мукофот — «олтин камар» соҳиби бўлди.

Матбуот Қўмитасига қарашли «Китоб Савдоси» ОТАЖ думалоқ муҳри

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

*Мулоҳаза*

# БИРОВНИНГ БОЛАСИ

***Эндигина ишдан қайтиб, ҳали кийимларимни ҳам ечиб улгурмасимдан эшик қўнғироғи жиринглади. Очсам, эшик олдида қўшнимиз Розия опа безовталаниб турибди.***

— Яхши ишлаб келдингизми, қўшни? — деди у.

— Бир соатдан бери эшикка термулиб сизни кутаман-а...

— Тинчликми? Киринг уйга, — дедим мен ҳам бироз ажабланиб.

— Кечирасиз, сизни яна безовта қилдим, — Розия опа тортиниб гапирарди. — Тинчлик қаёқда дейсиз. Қиз узатган онада тинчлик бўлармиди. Куёвим Нигорани яна боласи билан ташлаб кетибди. Неварам касал бўлиб қолибди. Дўхтирга олиб борса, бир олам дори-дармон ёзиб берибди. Қўлида иситмалаган бола билан кириб келди. Мана дўхтирнинг қоғози. Шунга дорихона ёпилмасдан югуриб чиқиб келай десам, аксига олиб бу сафар ойлигимиз кечикиб, ҳали ололганимиз йўқ. Пул олган заҳотим қайтараман... Опанинг муддаосини тушундим. Сумкамни очиб дарров сўраган пулини тутқаздим.

— Хижолат бўлманг, Розия опа, — дедим уни юпатиб. — Қачон топганингизда берасиз, бундай ҳолат ҳаммамизда ҳам бўлиб туради. Фақат неварангиз тузалиб кетса бўлгани. Айтгандай, бошқа одам қидирманг, уколларини ҳам ўзим қилиб қўяман.

— Барака топинг, — опанинг кўзларида ёш йилтиллади, — яхшиликларингизга қайтарай, — дедию шошиб зинадан тушиб кетди.

Тўғриси унга раҳмим келди. Турмуш ўртоғи автоҳалокатга учраб вафот этгач, ёлғиз ўзлари икки фарзандини тарбиялади. Қизи Нигорани институтда ўқитди. Жойи чиққач эса яхшигина оила — топармон-тутармон хонадонга узатди. Аниғини билмайману, ҳар ҳолда куёв ҳам яхши жойда ишлайди, тагида машинаси ҳам бор. Узатгач, бир йилдан ортиқ вақт қизи ҳомиладор бўлмади. «Баравар уйланган ўртоқларим боласини етаклаб юрибди. Менга фарзанд керак» дейди куёв. Она югурди-елди, қизини шифокорларга қаратди. Ҳомиладор бўлгач эса то туққунга қадар қизи шифохонада ётса дори-дармону оғзига ёқадиган таомни етказиб берди. Вой, невараликбўлганда унинг суюнганларини. Топганини қовурдоғу бешикка сарфлади. Ишдан бўш вақтларида бозорга югурарди. Лекин соғлиғи ёмонлашгач, бозорни йиғиштириб қўйди. Коллежда ўқийдиган ўғлию ўзига маошини амаллаб етказади. Бунинг устига невараси бир ёшдан ошибдики, қачон касал бўлиб қолса, куёви ғиз этиб машинада ташлаб кетади. Бу ерда эса тузатгунча қўшнимнинг жони ҳалак. Нуқул «Бировнинг боласи-да. Яна қайнота-қайноналари бирон нарса деб юрмасин. Тезроқ тузалсину, уйига борақолсин» деб куйингани-куйинган.

Икки кун давомида болага уколларини қилиб, дориларни беришда ёрдамлашдим. Опанинг ошхонада куймаланиб юрганидан фойдаланиб Нигорадан секин сўрайман.

— Нигора, ҳадеб ойингга ҳам жабр қилавермай, ахир болани ўз уйингда даволатсанг, мана шу дори-дармонларни уйда берсанг бўлмайдими?

Институтни тугатган бўлсада, камсуқумгина, мулойим Нигора хўрсиниб жавоб қайтаради:

— Ойижоним (қайнонаси) боланинг ғингшиганини ёқтирмайди. Дарров бошлари оғриб қолади. Шунга...

— Ҳеч бўлмаса дўхтирнинг қоғозидаги дори-дармонларни олиб беришса бўлмайдими, ойингнинг ҳам соғлиғи яхши эмас. Ёки эринг ишламайдими?

— Улар топганларини ойимга берадилар, сўраш эса ноқулай. Ўзлари билиб оберишмаса, мен айтишга тортинаман, уруш чиқмасин, деб, — жавоб берди Нигора. — Лекин қайнсинглимнинг боласи оғриб қолса, дори-уколларини олиб дарров югуришади...

Шу пайт телефон жиринградию суҳбатимиз тўхтади. Гўшакни кўтарган Розия опа сўраша кетди.

— Вой, Шуҳратжон, яхшимисиз ўғлим, қудаларим саломатмилар? — бироз сукут сақлаб яна давом этди. Ҳа, яхши. Анча тузалиб қолди, уколлари ҳам тугади...

«Куёвлари бўлса керак» ўйладим ичимда ва овқатни баҳона қилиб уйга чиқиб кетдим. Икки кун ўтиб кечки пайт қарзини олиб чиққан опадан ҳол-аҳвол сўрадим. «Қудамнинг тоби қочиб қолибди. Шунга кеча куёвим келиб Нигорани олиб кетди. Боласи ҳам тузалиб қолди. Худога шукр-а, эсон-омон эгасига топширдим. Ахир неварам бўлса ҳам барибир бировнинг боласида», — деди қўшним яна аҳволини баён этиб.

Тўғриси унга ачиниб кетдим. Толиққанлиги шундоқ юз-кўзидан сезилиб турарди.

— Яна бозорга чиқибсиз-да, опа, — дедим пулни олар эканман. — Топганингизда берардингиз. Ўз соғлиғингизни ҳам ўйланг-да.

— Қиз узатсангиз, биласиз, — ҳазилга бурди опа. — Илоё яхши-яхши жойларга қуда бўлинг. Қудачилик — минг йилчилик дейишади. Эртага қудамни ҳам кўриб келай, кейин дўхтирга чиқарман...

Опа чиқиб кетиши билан телефонимиз жиринглаб қолди. Гўшакдан бирга ишлайдиган ҳамкасбимнинг овози эшитилди. Салом-аликдан сўнг:

— Эртага менинг ўрнимга ишга келиб турсангиз, илтимос, — ўтинди у. — Салимамнинг боласи қаттиқ шамоллаб қолибди. Ҳозиргина қудам машинада ташлаб кетди. Шунга эртага касалхонага ётқизиб, дори-дармонларни олиб беришим керак...

Бу гапларни эшитиб ҳайрон қоласан. Яқиндагина ана шу ҳамкасбимнинг янги узатган қизи касалхонада даволаниб чиқди. Ҳар куни дори-дармонларни олиб югурди. Энди эса яна бир қизининг боласи...

Шу ўринда бир савол мени қийнайди. Ахир ота бўлиш бахтига сазовор бўлган, «Мен ўғиллик ёки қизлик бўлдим» дея айюҳаннос солиб, ҳали туғруқхонадан чиқмасдан чақалоқнинг «ювди-ювди»сини ошириб юборган йигит боласи бетобланиб қолганда, хотини фарзанд кутаётганда нима учун ўзи ғамхўрлик қилмайди? Нима учун қиз ўстирган она зиммасига яна унинг боласининг масъулияти юкланяпти?

Шу ўринда ана шундай ёш оталаримизга озгина эътироз ўринли деб ўйлайман. Туғилган бола сизнинг зурриёдингиз, эртангиз, қувончингиз, бахтингиз аждодингиз давомчиси, ўчмас изингиз... Демак, унинг соғлиғи, тарбияси ҳақида кўпроқ ўзингиз қайғуришингиз лозим. Бу борада ота-оналарингиз сизга энг яхши маслаҳатгўй ва ёрдамчи бўлади. Тўғри невара ширин дейишади. Лекин қиз туққан, боқиб катта қилган, уни сизга ёстиқдош этган она айбдорми? Бу, албатта, менинг ўз фикрларим, кўрган воқеаларимдан чиқарган хулосаларим.

Тўғри, беш қўл баравар эмас. Лекин юқоридаги воқеалар ҳам учраб тургани, қўли калта бечора оналарнинг хижолатпазлиги бор ҳақиқат. Ахир улар қизим борган жойида тиниб-тинчисин, ортиқча гап-сўз чиқмасин деб ҳамма нарсага тайёр. Лекин бу нарсани куёвларимиз тўғри тушунишяптими? Бу ҳақда сиз нима дейсиз, азиз газетхон?

**Дилноза ҒИЁСОВА**

***Маълумки, баҳор фаслида турли ёшдаги кишилар ўртасида кайфиятга салбий таъсир қилувчи ҳолатларни тез-тез учратиб туриш мумкин. Шифокорга мурожаат қилган кўпчилик кишилар бир хилдаги шикоятларни изҳор қиладилар: ухлаб уйқуга тўймайман, ўтирган еримдан тургим келмайди, жуда тез чарчаб қоламан, тинкам қурийди,дармонсизман ва ҳоказо.***

# ШИФОБАХШ ДАРМОНДОРИЛАР

Мана шундай кўнгилсиз ҳолатларнинг баҳор фаслида аҳоли ўртасида тез-тез учраб туришининг сабабини, қарияларимиз «илик узилди» деб айтишади. Баҳорда ёшу қари буни бошдан ўтказади, яъни бошқача қилиб айтганимизда баҳорда одам организмидан қувват кетади.

Бундай кўнгилсиз ҳолатнинг келиб чиқишига овқат маҳсулотларининг таркибидаги дармондориларнинг табиий камайиб кетишидир. Дармондориларнинг мана шундай овқат маҳсулотларида камайиши одамлар ўртасида гиповитаминоз касаллигининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Хўш, бу кўнгилсиз ҳолатдан қутулишнинг йўли борми? Ҳа бор. Бу кўнгилсиз касаллик ҳолати баҳор фаслида тез-тез кузатилади, демак унинг давосини ҳам баҳор фасли ўзи билан олиб келади. Бу қийин аҳволдан қутулишда халқимиз томонидан эъзозланиб кенг ишлатилиб келинаётга ошкўклар фойда беради. Буларга мисол қилиб қуйидаги номлари кўпчиликка маълум ва манзур ошкўкларни кўрсатиш жоиз: ялпиз, жағ-жағ, отқулоқ, момақаймоқ, исмалоқ, семизўт.

Номлари зикр қилинган ёввойи ошкўклардан турли хил таомлар пишириш ҳозирги кунда тез-тез кузатилаётган гиповитаминоз касаллигининг олдини олишда фойда беради.

Баҳор фаслида табиат инъом қилган мана шу ошкўкларнинг таркибида саломатлик учун жуда зарур бўлган турли хил дармондорилар кўп. Улар айниқса аскорбин кислотасига, $B_1$, $B_2$, PP, P, K ва каротинларга бойдир. Шу билан бирга уларнинг таркибида турли хил фойдали минерал тузларнинг мавжудлиги ошкўкларнинг қимматини яна ҳам оширади. Кузатишлардан шу нарса ойдинлашадики, эрта баҳордаги паст ҳарорат ва юқори намлик ёввойи ошкўкларнинг таркибида одам организмидаги энг зарур дармондорилардан бири ҳисобланган аскорбин кислотасининг кўп йиғилишига сабабчи бўлар экан. Ёввойи ошкўклардаги дармондориларнинг оз ёки кўп сақланиши уларнинг рангларига ҳам боғлиқлигини унутманг, ранглари қанчалик тўқ бўлса, улар таркибидаги дармондориларнинг ҳам миқдори шунчалик кўп бўлар экан.

Шу билан бирга ёввойи ошкўклар таркибидаги дармондориларнинг миқдори уларнинг ёшига ҳам боғлиқ. Янги чиққан ёш кўкатларда дармондориларнинг миқдори нисбатан кўп сақланиши аниқланган. Кўпчилик ёввойи ошкўкларнинг фақат эрта баҳорда истеъмол қилинишининг сабабини ҳам улардаги витаминларнинг сақланиши билан боғлаганлар.

Кези келганда яна бир нарсани айтиш лозим, кўпчилик ошкўклар таркибидаги аскорбин кислотасининг миқдори эрта тонгдан то тушга қадар ортиб бориб, сўнгра пасайиб бориши аниқланган. Шу билан бирга организмнинг турли хил касалликларга курашиш қобилиятини кучайтиришга, кўзни ўткирлаштиришга сабабчи бўладиган каротиннинг турли хил ошкўклардаги миқдори эса куннинг иккинчи ярмида, қуёш нурининг таъсири юқори ҳароратида кўп йиғилиши аниқланган.

Ошкўклар таркибидаги турли хил дармондорилар миқдорининг камайиб кетмаслик шартларидан бири, улардан иложи борича янгилик вақтларида таом тайёрлаш фойдали эканлигини унутманг.

Шунингдек, ошкўкларнинг қайси ердан терилишига ёки ўстиришга ҳам катта эътибор беринг. Озиқий ошкўкларнинг кўпчилиги турли хил организм учун зарарли бўлган моддаларни, газларни ўзларида қолдириш хусусиятига ҳам эга экан. Шунинг учун серқатнов кўча юзларига яқин ерлардан ёввойи ошкўкларни териш, ёки йўл ёқаларига маданий ошкўкларни ўтказишдан ўзингизни сақланг.

Турли хил кўнгилсиз оқибатларнинг олдини олиш мақсадида терилган ёки харид қилинган ошкўкларни яхшилаб саралаб, водопровод сувида тозалаб ювишни унутманг.

Ёввойи ошкўклардан таомлар тайёрлаганда ёш болаларга керагидан ортиқ едириш уларнинг қорин-ичак фаолиятига кучли таъсир қилишини унутманг. Уларни бу фойдали ошкўкларга аста-секин ўргатиш фойдалидир.

Баҳорда учрайдиган дармонсизликнинг давоси борасида ўзида ҳаёт омилини сақловчи турли хил ёввойи ошкўклар билан бирга жуда кенг ишлатиладиган кўк пиёз, кашнич, укроп, петрушка, редисканинг аҳамияти ҳам беқиёсдир.

**Севара НОСИРОВА,**
**Республика Саломатлик институтининг Тошкент шаҳар филиали бўлим бошлиғи.**


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4409 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-507. 1 2 3 4 6